Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

Газетамиз 1991 йил 1 январдан чиқа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

12 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА № 221 (472). 1992 йил

Сотувда эркин нархда

Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари пахтакорлари республикада биринчи бўлиб пахта топшириш йиллик режаларини бажардилар

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Ҳурматли ўртоқлар!

Сизларни, ёру биродарларингизни пахта тайёрлаш плани бажарилгани билан чин дилдан қутлайман. Бу йилги меҳнат зафари осонликча қўлга киритилмади. Уйган «Оқ олтин» хирмонларингиз ана шу жиҳати билан ҳам ғоят қадрли ва қимматлидир. Қашқадарёликлар уста пахтакор эканликларини бу йил яна бир бор намойиш этдилар.

Халол, қаҳрамонона меҳнатингиз учун сизларга минг раҳмат, азиз биродарлар!

Ишончим комилки, қашқадарёликлар бундан кейин ҳам енг шимариб фидокорона меҳнат қиладилар, жонажон мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшадилар.

Камоли эҳтиром билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 ноябрь.

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИГА, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Ҳурматли ўртоқлар!

Қадим ва ҳамиша навқирон Бухоро пахтакорларининг меҳнат зафарини эшитиб бошим осмонга етди. Аввалги йилларда бўлганидек, бухороликлар пешқадамлар сафида бормоқдалар. Жумҳурият хирмонига улар бу йил 357 минг тоннадан ортиқ «Оқ олтин» тўкдилар.

Пахтакорларни, механизаторларни, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини, ҳашарчи шаҳарликлар, студентлар, бу улкан меҳнат зафарига ҳисса қўшганларнинг барчасини чин дилдан қутлайман.

Ишончим комилки, вилоят пахтакорлари даладаги ҳосилнинг қолган қисмини ҳам нес-нобудсиз, қисқа муддатда териб оладилар, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча жабҳаларида ягдан-янги ютуқларга эришадилар.

Эзгу тилаклар билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ А. А. АЙДАРҚУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик халол меҳнати, республикани ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун Навоий вилояти ҳокими Абдухолиқ Абдурахмонович Айдарқулов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 ноябрь.

ЖОНИНГНИНГ БИР БЎЛАГИМАН...

Мана, ёш ватандошларнинг биринчи халқаро анжумани ҳам ниҳоясига етди. Мезбонларнинг тотли ташвишларию ватандошларимизнинг дил қувончларига тўла ҳаяжонли, ҳар куни йилларга татигулик беш кун кўз очиб юмгунча ўтди-кетди.

Ватан соғинчию дийдор илинжида ўз ота юртларига биринчи бор қадам ранжида қилган ватандошларимизга кўрсатилган ўзбекона меҳр-муҳаббат, илтифотлар улар қалбидаги ватан меҳрини янада ёлқинлантирди. Улар Ўзбекистон, ўзбек халқи билан яқиндан танишгач, бу улкан оиланинг ажралмас қисми, ҳақиқий фарзандига айландилар.

— Ушбу тадбир, — дейди анжуман ташкилий қўмитасининг раиси, жумҳурият Бош вазирининг муовини М. Қ. Қорабоев, — ватандошларимиз ва халқимиз қалбида, миллатимиз тарихида ўчмас из қолдириши муқаррар. Чунки бу тадбирни ўтказишдаги асосий мақсадимизга эришдик ҳисоб. Шукрки, замон оқими ўзгариб, полопонлар ўз ошёнларига, адашган дарёлар асл ўзанларига қайтди.

Мустақиллик, Президентимизнинг дадил қадамлари ва Республика Ёшлар Иттифоқининг ташаббускорлиги туфайли ватандошларимиз ўз ота юртларини кўришга, қариндош-уруғларини бағрларига босиш бахтига муяссар бўлдилар. Биз хорижлик ватандошларимизга халқимиз турмуш ва маданиятини, уларнинг тўла мустақиллик учун олиб бораётган фаолият-ҳаракатларини, ёшларимиз ҳаётини, Ўзбекистон диёрини кўрсатдик.

Тошкент Давлат Университети, Тошкент трактор заводи, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Орзу» чарм-галантерия фабрикаси, Тошкент чинни буюмлар фабрикаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент Техника университети, Қибрай лимонария хўжалиги, Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти, Тошкент Техника университети фаолиятлари билан танишиш ва меҳнат жамоалари билан бўлган учрашувлар ватандошларимизда катта таассурот қолдирди. Айниқса жаҳон салтанатининг султону соҳибқиронлари камол топган, уларнинг хоки-пойи бўлмиш «ўҳна ва муқаддас Бухоро, Самарқанд шаҳарларига зиёратлари улар қалбида она юрт билан фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини уйғотди. Бу даргоҳларда ватандошларимиз ҳақиқий ўзбекона меҳмоннавозликнинг, жони-жонига туташ қондошликнинг туганмас меҳрини, юксак инсонийликнинг гувоҳи бўлдилар. Фурсатдан фойдаланиб мен анжуман ташкилий қўмитаси раиси сифатида юқорида қайд этилган меҳнат ва олий ўқув юрти жамоаларига, Бухоро ва Самарқанд аҳлига юксак ташкилотчиликлари учун самимий миннатдорчилик билдираман.

Анжуман якунида хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган ўзбекларнинг миллий уюшма ва марказлари вакиллари билан икки ёқлама иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ҳақида фикрлашиб, келишиб олдик.

Ўзбек диёрида ўтказилган бу анжуман эзгуликка дебоча бўлиб, қадимдан бетакрор илм-маърифат, юксак маданият, оламшумул санъат ва адабиётга эга бўлган бу юртнинг аввалги шон-шуҳрати, жаҳоний маданияти ва иқтисодий мавқеини тиклашда қутлуғ қадам бўлади. Унинг имкониятлари беқиёс, равнақи юксак бўлади, албатта.

Илк анжуман таассуротлари...

Келинг, яхшиси, таассуротларни ватандошларимизнинг ўзларидан эшитайлик.

Авлодлари 1930 йилларгача Тошкентнинг Эски шаҳарида яшаган, ҳозир эса Афғонистонни ватан тутган Мирмаҳмуд Илёсий:

— Ватандан айрилмагунча, Ватан қадрини билмайди инсон. Шунинг учун ҳам ҳозирги ҳолатимни, анжумандан олган таассуротларимни сўз билан ифодалашга ожизман. Она замин тупроғи, қардошларим меҳри кўзларимга тўтиёдир бу кун. Мана, бир неча кундан бери она диёрим бағрида шодон юрибман-у, кўз ўнгимда «Оҳ, Тошкандим» дея Ватан илинжида бу ёруғ оламдан кўз юмган падари бузрукворим намоён бўлаверади. Қиблагоҳим билан хаёлан гаплашаман. «Руҳингиз шод бўлсин, отажон, Сиз орзу қилган кунлар, Тошкент кўчаларида сайр этиш фарзандингизга насиб этди. Хотирингиз жам бўлсин, отажон, мен озод Ватанга бел боғлаб хизмат қилгали келдим», — дейман.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган, унинг осмонида миллий байроғи кўтарилган кун биз ватангадо-ватанжудолар бир-биримизни кўзларимизда қувонч ёшлари билан муборакбод этдик.

Энди ҳурматли Президентимиз И. Каримов айтганларидек, шодликни ҳам, ғамни ҳам бирга баҳам кўриб, она диёр мустақиллигини, унинг тинчлигини барқарор этишимиз лозимдир.

Туркиядан келган инженер-аспирант, асли марғилонлик Алпарслон Ориф ўғли:

— Она диёрим таассуротлари, беш кун мобайнида кўрган-кечирганларим бешта китобга сиғмайди. Она заминга биринчи қадамларимни қўяр эканман, мен ўзимда заррача ҳам бегоналик, тортиниш сезмадим, чунки қалбига қуёш яширган очиқ кўнгил, самимий ўзбегимнинг қайноқ меҳрига ҳамроҳ бўлдим. Бу меҳр мен билан мангу қолади, албатта. Мендан кўпинча, Она юртга қайтмайсизми? — деб сўрайдилар. Мен бу саволларга Ўзбекистоннинг тараққиёти учун Туркиядан туриб кўпроқ ёрдам, кўмак беришим мумкин дейман..

Биз оммавий-ахборот воситалари, телевидение орқали қўшни Тожикистонда рўй бераётган қонли воқеалар, мазмун-мантиқсиз биродаркушлик урушининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар, ёш болалар нобуд бўлмоқдалар, йиллар мобайнида бунёд этилган кошоналар вайронага айланмоқда.

Мана шундай оғир шароитда Ўзбекистонда осойишталик барқарор бўлиб, одамлар тинч-тотув, баҳамжиҳатликда

(Давоми 3-бетда).

РЕЖА 50 ИШ КУНИДА

Темир ҲИДИРОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокими.

Пахта — мустақиллигимиз мустаҳкамлигини таъминлайдиган қимматбаҳо хом ашё. У қанча кўп етиштирилса, фаровонлигимиз шунча ошади, тўкинчилик яратилади. Вилоят меҳнат аҳли буни қалбдан ҳис этган ҳолда даларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Бугун ана шу заҳматнинг, мутахассислару тажрибали деҳқонлар ҳамкорликда амалга оширган қатор тадбирларнинг самарасини кўриб турибмиз. Пахта тайёрлаш йиллик режаси 50 иш кунида ошириб бажарилди. Қабул пунктларига 459 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топшириб берилди.

Ғузор районидаги пахтакорлар ғалаба ҳужжатига республикамизда биринчи бўлиб имзо чеккан эдилар. Шу кунгача улар режадагидан 3000 тонна ортиқ хом ашё топширдилар. Косонлик заршунослар уйган хирмон 63 минг тоннага етди. Касби районидаги деҳқонлари эса даларидан 65 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Айни кунларда барча туманлар ва хўжаликларда йиғим-терим уюшқоқлик билан давом этмоқда. Техника ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Теримчиларнинг меҳнати қадрланаяпти.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, бу йил вилоят деҳқонлари ҳар қачонгига қараганда катта қийинчиликларга дуч келдилар. Баҳорнинг чўзилиб кетиши, ёмғир, жала ва сел экин-тикин ишларини ўз вақтида ўтказишга ҳалақит берди. Косон, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Қарши районларида майдонларга чигит 2-3 мартадан қайта экилди.

Ёз мобайнида ғўза фойдали ҳарорат миқдорини мўлжалдагидан 150—200 даража кам олди. Шунинг учун қатор ораларига қайта-қайта ишлов бериш, пайкалларни пайдар-пай озиқлантириш воситасида тупроқни қиздириш, қуёш нуридан самарали фойдаланиш чоралари кўрилди. Бундай саъй-ҳаракатлар беҳуда кетмади. Мавжуд пайкаллларда юқори ҳосил етиштирилди.

Шу ўринда вилоятимизнинг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшган Ғузор районидаги Улуғбек номли, Майна Ҳасанова номли, Касби районидаги «Қашқадарё», «Пахтакор», Баҳористон районидаги «Чандир», Сулаймон Муродов номли, Муборак районидаги Аметхон Султон номли, «Хитой», Косон районидаги Абдулла Набиев номли, Улуғбек номли, Қарши районидаги «Москва», Юсуф Хушвақтов номли, Қамаши районидаги «Фарғона» давлат хўжаликлари пахтакорларининг номларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Бу хўжаликларда ҳар гектар ердан 32—38 центнердан хом ашё саранжомланди. Ғузор районидаги Улуғбек номли давлат хўжалигидан Норқобил Тилавов, Майна Ҳасанова номли давлат хўжалигидан Абдулла Орзиев, Косон районидаги Темирхўжа номли жамоа хўжалигидан Турсун Тилавов, «Гулбоғ» давлат хўжалигидан Марзия Умарова, Касби районидаги Алишер Навоий номли давлат хўжалигидан Аҳмад Азизов, «Ғалаба» давлат хўжалигидан Ҳасан Норматов бошлиқ ва бошқа бригадаларда эса гектар ҳосилдорлиги 40-45 центнерни ташкил этди.

Йиғим-теримни оқилона уюштиришда, сўръатни оширишда, айниқса, механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Даларда 3800 та терим машинаси бетўхтов ишлатилди. Бу соҳадаги режа зиёди билан уддаланиб, бункерлардан қарийб 350 минг тонна пахта тўкилди.

Республика Президентининг пахта таннархини ошириш, деҳқонларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ҳақидаги фармони қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайратини ошириб юборди. Ана шу ҳужжатга кўра, машинада терилган ҳар тонна пахта учун 220 сўмдан, қўлда терилган бир килограмм «оқ олтин»га 4 сўмдан ҳақ берилди. Дала шийпонларида, пайкалларнинг ўзида йиғим-теримда иштирок этаётган кишилар учун намунали иш ва дам олиш шароитлари муҳайё этилди. Илғорлар тажрибаси кенг ёйилиб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатилди.

Далаларда ҳали ҳосил чўғи баланд. Биз имкониятларимизни чамалаб чиқиб, ялпи хирмонни 500 минг тоннага етказишни кўзлаяпмиз. Ана шунда 4 миллиард сўмдан кўпроқ даромад олинади. Бунинг ҳисобига меҳнат аҳлининг фаровонлигини таъминлаш, қишлоқларни ободонлаштириш, пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини янада юксалтириш мумкин. Энг муҳими — пахтакорларни ижтимоий ҳимоялаш учун катта истиқболлар очилади.

Пахта топшириш йиллик режасини уддалаган бухоролик пахтакорлар меҳнат ғалабасига бағишланган материаллар билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз.

• *«Халқ сўзи» давра столи*

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганига бир йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда мустақил давлатчилик тизимларини вужудга келтириш мақсадида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Бу жараён айни дамларда жўшқин руҳ билан давом этмоқда. Албатта, ҳали амалга оширилган тадбирлардан кўра, бажарилиши шарт бўлган юмушларимиз кўпроқ. Шулардан бири барча таълим-тарбия муассасаларини янги ўқув дастурлари ва дарсликлари билан таъминлаш муаммосидир. Ватанимиз келажаги, тақдирига дахлдор ушбу масала қандай ҳал этилмоқда? Бундай жиддий муаммо мутасаддилари ким? Ана шу саволларга жавоб ахтариб таҳририятимиз «Ўзбек адабиёти» бўйича умумтаълим мактаблари учун дастур ва дарсликлар яратаётган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқув методика марказининг бир гуруҳ олимларини суҳбат-мулоқотга таклиф этди.

Ушбу суҳбатда филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов, филология фанлари доктори, профессор Акрам Каттабеков, филология фанлари номзоди Қозоқбой Иўлдошев, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов, филология фанлари номзоди Нусратулло Жумаев, филология фанлари номзоди Бахтиёр Қурбонбоев, филология фанлари номзоди Наим Каримов, филология фанлари номзоди Турғунбой Халилов, газета бош муҳаррири Анвар Жўрабоев, Бош муҳаррир ўринбосари Муҳтарама Улуғова, таҳририятимиз адабиёт ва санъат бўлими муҳаррири шоир Азим Суюнлар иштирок этишди.

Давра суҳбатини Анвар Жўрабоев очди.

Анвар ЖЎРАБОЕВ: «Давра стоди»да кўтарилган мавзу республикамиз ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётида жуда долзарб аҳамиятга эга. Айтиш мумкинки, бу муаммо умуммиллий эътиборга молик масаладир. Шу пайтгача «Ўзбек совет адабиёти» деб номланган дарсликларнинг аксарият қисми қардош халқлар адабиёти вакилларига ажратилган, айниқса М. Горький ижоди бутун бошли китобнинг тенг ярмини қамраб олган эди. Халқимиз келажагига мутлақо дахлдор ушбу масалани тезроқ ҳал этиш вақти келди. Сизларни таҳририятимизга таклиф этишдан мақсадимиз ҳам мазкур муаммо хусусида очиқ-ошкор фикрлашиб, бутун жамоатчилик диққатини шу масалага жалб этишдир.

Умарали НОРМАТОВ: Аввало мен республика Олий Кенгаши ва ҳукумати газетаси шу масалага эътиборни қаратганлигидан бениҳоя мамнунман.

Дарҳақиқат, ўтган ойнинг март ойида Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазиримиз ўринбосари Эркин Самандаров ташаббуси билан умумтаълим мактаблари учун адабиёт дастури, ўқув қўлланмалар ва дарсликларни қайта яратишга эътибор қаратилди. Бу ишга вазирлик томонидан алоҳида эътибор берилиб, маблағ ажратилди. Биз икки гуруҳга бўлиниб, 12-13 киши Ёзувчилар уюшмасига қарашли Дўрмон боғида янги дастур ва дарсликларни ёзишга киришдик. Янги дастур лойиҳаси «Маърифат» газетасида чоп этилди. Ва 4 ойдан ортиқроқ вақт мобайнида муҳокама қилиниб, алоҳида китобча ҳолида нашр этилди. Шу йилнинг март ойида Халқ таълими вазирлиги, ўқув-методик марказида муҳокама қилиниб тасдиқланди ва нашрга тавсия қилинди. Мўлжалдаги 10 дарслик китобдан 7 таси тайёр. IX-XI синфлар учун дарсликлар устида иш ҳозир давом эттирилаяпти.

Айни пайтда республикамизда 10 мингдан зиёд мактаб бор. Жамиятимизда эса ҳар соҳия муайян ўзгаришлар содир бўлиб турибди. Аммо нима бўлишидан қатъи-назар, янги дарсликни ўқувчилар қўлига мумкин қадар тезроқ етказиш керак. Афсуски, бу соҳадаги оқсоқлик бирмунча қийинчиликлар туғдираяпти...

Муҳокамадан ўтган янги дастурни янги ўқув йилида муаллимлар қўлига етиб боради, деб ўйлаган эдик. «Ўқитувчи» нашриёти эса уни 1993 йилга режалаштирган, лекин қачон ва қай вақтда чиқиши бизга умуман номаълум. XI синф ўқувчилари учун С. Азимов, Ю. Султоновлар томонидан ёзилган «Ўзбек совет адабиёти» ҳамон дарслик сифатида муомалада. Бир қисмгина ижодкор ўқитувчилар янги замонавий типда, ўз меҳнатлари, изланишлари билан ўқувчиларга билим бермоқда. Аммо кўпчиликлари эски қарашларни ўқувчи онгига сингдираяптилар. XX аср адабиётини эски дастур, эски қўлланмалар асосида ўргатиш ёш, ўсиб келаётган авлодга хиёнатдир.

Хозирги вақтда дарслик ва қўлланмалар чиқариш имконияти чекланганлиги бизга маълум, аммо шундай танг шароитда ҳаётдан, илмдан орқада қолган қўлланмаларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз чиқиб кетаётганлигига ҳайрон қоласан киши.

1992 йил «Ўқитувчи» нашриётида босилган IV синф учун мўлжалланган «Ўқиш китоби»ни варақлаб кўрсангиз, бугунги кунда бу китобни қандай қилиб ёш авлод қўлига тутқазиш мумкинлиги ҳақида ўйланиб қоласиз. Мазкур китоб саҳифасидан жой олган Л. Ошаниннинг «Ҳар доим бўлсин қуёш» қўшиғи, «СССР — бизнинг ватанимиз», «Халқ учун ўқи, ишла ва яша, совет пионери», «Ленин — ҳамиша барҳаёт», «Буюк жасорат дамлари» каби кўплаб шеърий ва насрий, «асарлар»ни мактабга қандай яқинлаштириш мумкин, ахир?! Ана шундай «ноёб» қўлланма 477 минг нусхада сифатли қоғоз ва муковада чоп этилган.

Янги дастур ва ўқув қўлланмалар чиқишини кутиб ўтирмай, улардан жой олган янги материалларни мактабга етказиш учун баъзи саъй-ҳаракатлар бўляпти. «Ўзбек адабиёти» журнали XX аср адабиётидан боблар эълон қилмоқда. «Ёшлик» журнали «Ўқитувчига айтар сўзим» рукни остида «Адабиётдан сабоқлар» бера бошлади. Бу ташаббус, албатта, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқдир. Қанийди, бошқа нашрлар ҳам шундай ишларни амалга оширса.

Бегали ҚОСИМОВ: Мен ягона дастур ва дарслик тузиш тарафдори эмасман. Бу аниқ вазият ва муҳитдан келиб чиқиб дарслик яратишимиз зарур. Масалан, Тошкент, Бухоро, Қўқон ва бошқа адабий муҳитлар хусусида алоҳида-алоҳида, ҳатто туманлар миқёсидаги ижодкорлар ҳақида дарсликлар тузишимиз керак, деб ўйлайман. Хоразм адабий муҳити алоҳида ўрганилгани яхши иш бўлди, бу тажрибани қўллаб-қувватлаш даркор. Қашқадарёда Касби деган қўналга бор. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу жой олти минг йиллик тарихга эга экан. Демак, шу жойнинг адабий муҳити ҳам шунча вақтлик тарихга эга. Бу нарсалар албатта умуммиллий адабиётимизнинг бир қисми бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

(Давоми 2-бетда).

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 11 ноябрь сонида эълон қилинган «Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ставкалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати қарорининг «Солиқ солинадиган ойлик миқдори» устунидаги биринчи рақам «6000 сўмгача» деб ўқилсин.

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ

(Боши 1-бетда).

Адабий қарашларимиз ҳамон сиёсийлашган даражада қолмоқда. Ҳали ҳам диний адабиётни, сарой адабиётини дарсликларга киритсак қандай бўлар экан, деган ҳадик бор. Биз бир нарсадан: ҳамма бир хил фикрлаши керак деган ақидадан халос бўлишимиз, эркин фикрга, мулоҳазага кенгроқ йўл очишимиз даркор. Баъзан умуман дарслик бўлиши шартмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Хрестоматиянинг ўзи етарли эмасмикан? Дарсларни ўқитувчи ва ўқувчи ихтиёрига қолдирсак, улар тайёр таҳлиллар билан эмас, ўзларининг мустақил фикрлари билан адабиётнинг сеҳр-жозибасини илғаб олишса. Бу бир хил фикрлашдан халос қилади.

Тўғриси, собиқ совет мактабларида таълим шундай йўлга қўйилган эдики, бу инсоннинг миллий ғуруруни йўқ қилишга қаратилган эди. Эндиликда болаларимизга ғуруруни, ифтихорни сингдиришимиз шарт. Ҳаёлимизга буюк Жалолиддин Румийнинг туркийлар ҳақидаги: «У қул бўлиб келган эди, шоҳ бўлиб чиқди» деган гаплари келди. Тарихдан яхши маълумки, туркийлардек жанговар, кучли ва мард халқ камдан кам топилган. Улуғ мутафаккир Аҳмад Заки Валидий ҳам бу хусусда жуда кўп ва хўб фикрлар айтганларки, буларнинг барчасини дарсликларга, дарсликлар орқали болаларимиз руҳиятига сингириш вақти келди.

Акрам КАТТАБЕКОВ: Биз дарсликлар яратишга баланд руҳият билан қўл урган эдик. Асосан сентябрь ойида янги дарсликлар мактабларга етиб бориши керак эди. Афсуски, шунга ҳам, «маҳфия» аралашиб қолди. Биз VIII синфлар учун тайёрланган дастурни «Ўқитувчи» нашриётига топширган эдик. Иккий ой ўтгач, хабар олишга борсак, папкалар алмашиб, биз тайёрлаган дарслик ўрнига А. Ҳожиаҳмедов ва бошқаларнинг эски қолипга ҳам тўғри келмайдиган дарсликлари 230 минг нусхада нашрдан чиқиб кетибди. Шундан сўнг биз бўлим мудири Содиқ Мўминовга учрашдик ва тайёр дастурни кўрсатиб, бу Вазирлар маҳкамаси муҳокамасидан ўтганлиги, нима сабабдан унинг нашрини орқага сураётганликларини сўрадик. У шунда бу ишга фақатгина бўлим жавобгарлигини, ҳукуматнинг эса умуман алоқаси йўқлигини айтди. Дарсликлар 1993 йил ёки 94 йиллар нашрдан чиқиши ҳақида маълумотгина олдик, холос.

Ҳа, шу пайтгача амалда бўлиб келган адабиёт дастурининг энг катта қусурларидан бири — унинг ҳукмрон мафкурага қарам бўлиб, ғоявозлик гирдобига тушиб қолганлиги эди. Адабиёт ўзининг инсон маънавиятини тарбиялаш вазифасини унутиб, партиявийлик байроғи остида мафкурачининг малайига айланиб қолганди. Замонасоз шоирларимиз ҳамиша барҳаёт бўлган умуминсоний муаммоларни кўтариш эмас, марказқўмнинг шиорлари ва қарорларини шеърга солишни биринчи даражали вазифа деб билишди. Зеро, ўша вақт адабиётни, адабий асарни баҳолаш мезони шундай эди.

Мактаб дарслигида ҳам бирламчи вазифа ғоя кетидан қувиш, ҳар қандай асардан ҳукмрон сиёсатни тарғиб қиладиган хулосани албатта топиб кўрсатишдан иборат эди. Бадиий асарнинг эстетик қиммати, бадияти эса назардан четда қолиб кетаверарди.

Муаллифлар гуруҳи ўзбек адабиётидан янги дастур тайёрлашда кечаги қуннинг ана шу аччиқ тажрибасини ҳисобга олган ҳолда адабиётни ўзининг асл вазифасига юз буришига, уни маънавий камолот ва гўзалликни тарғиб қилувчи фанга айлантиришга томон дастлабки одим босишга ҳаракат қилдилар. Бу ният янги дастур ва дарслик учун танланган ижодкорлар ва уларнинг асарлари номлариданоқ кўриниб турипти. Масалан, дастурнинг Ваҳоб Раҳмонов билан биргаликда тайёрланган 8-синф қисмида мумтоз адабиётдан Навоий, Машраб, Мунис, Фурқат, Анбар отин, XX аср адабиётидан Ойбек, Шайхзода, Усмон Носир, Миртемир, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Нурали Қобул, Рауф Парфи, Ҳайриддин Султонов, Муҳаммад Солиҳ, Шароф Бошбеков каби ижодкорлар, жаҳон халқлари адабиётидан Чингиз Айтматов, Сергей Есенин, Р. Тҳокур каби ларнинг энг сара асарларидан намуналар берилган.

Асар танлашда биз учун асосий мезон бадиийлик, сўз санъати, умуминсоний муаммолар бўлди. Аввалгидек Навоийнинг «Сода шайх» эмас, «Қора кўзум» ғазали, Фурқатнинг «Гимназияси» ўрнига «Сурмадин кўзлар қаро» ғазали, Шайхзоданинг «Капитан Гастелло»си эмас, балки шоҳ асари — «Мирзо Улуғбек», Миртемирнинг «Ленин ва Ражаб бобо»си ўрнига «Сурат» достони каби асарлар ўрин олган. Шу билан бир қаторда, мумтоз адабиёт намуналарининг асл матни билан ёнма-ён асарнинг қисқача насрий баён ва луғати ҳам илова қилинади. Зеро, ўқувчи ўзбек адабиётининг бугунги қиёфасини тасаввур этиш, шу орқали бугунги ҳаётимиз муаммоларини ҳам идрок этиши ва ўрганиши жуда зарур. Шу сабабдан, дастурга устоз адиблар қаторида бугунги адабиётимизда ўзига хос ижодий қиёфага эга бўлган ўрта авлод ва ёш ижодкорлар асарларидан намуналар ҳам киритилган.

Адабий материални тақдим этишда яна бир тажриба шуни кўрсатдики, асарни таҳлил қилиш чоғи дарслигимизда шаблон бўлиб қолган анъанавий усуллардан йироқ бўлишга ҳаракат қилинди. Амалдаги дарсликларнинг қай бирини олиб қараманг, уларда энг аввал бадиий асар матни берилади ва сўнг «Шу асар ҳақида» деган сарлавҳа билан муаллифларнинг ўз таҳлили ўрин оларди. Бу ҳолат, биринчидан, зерикарли бирхилликни келтириб чиқарса, иккинчидан, дарслик муаллифларининг мазкур асар ҳақида фикри ва ҳукми ўқувчи учун деярли мажбурий эди, чунки ундан янги дарсда худди шу фикрни тўтиқушдай такрорлаш талаб қилинарди. Бу ҳолда ўқувчи мустақил фикрлаш, ўйлаш, таҳлил қилиш, ўзича хулоса чиқариш имконидан маҳрум бўларди. Тайёрланган дарсликда асар таҳлилига киришишдан олдин ўша асар ҳақида муаллифнинг ўз мулоҳазалари ёки бирон ёзувчи, олимнинг таҳлили берилади. Масалан, «Навоий» романини мутолаа қилишга киришишдан олдин ўқувчилар Ойбекнинг «Навоий» романини қандай ёздим?» мақоласи билан, «Нил ва Рим» шеъри таҳлилидан олдин Абдулла Ориповнинг «Усмон Носир ҳақида сўз» мақоласи билан танишадилар ва ҳоказо.

Айрим ўқитувчилар эса дастурдаги ижодкорлар рўйхатини кўриб, «Биз бу асарларни, ёзувчилар ҳақидаги маълумотларни қаердан оламиз?» деб ваҳимага тушишмоқдалар. Шу боис, аввалги хатоларни такрорламаслик учун, дарслик тайёр бўлмасдан туриб, мазкур дастур жорий этишга тавсия этилаяпти. Бу асарларнинг барчаси қўлингизга тегажак дарсликда бор.

Албатта, дастурда қатор нуқсонлар ҳам бор. У жорий этилгандан кейин хатоликлар ёрқин кўзга ташланади. Аммо бир нарса равшанки, мазкур дастур ва чиқиш арафасида турган дарсликлар ижтимоий ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг дебочаси бўлиб қолади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ: Инсон маънавиятини шакллантиришга дахлдор бир қанча тадбирнинг ижросига киришишдан олдин унинг Бош йўналишини, ҳозир урф бўлган атама билан айтадиган бўлсак КОНЦЕПЦИЯСИНИ белгилаб олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Йигирманчи йиллардан эътиборан ўзбек мактабларида ҳар қандай таълимнинг, жумладан, адабиёт ўқитишнинг ҳам бош йўналиши ҳукмрон партиянинг сиёсатини қулоқ қоқмай маъқуллайдиган ва ўз қарашларини коммунистик мафкура талабларига мослай оладиган кимсаларни тарбиялаш бўлиб келди. Янгиланаётган тафаккур, ўзгараётган замон адабий таълимни ҳам ўзгача концепция асосида йўлга қўйишни тақозо қилди. Ана шу ҳолатнинг маҳсули ўлароқ янги Дастур яратилди. Мазкур дастурнинг энг муҳим ўзига хос жиҳати шундан иборатки, Октябрь тўнтаришидан кейин яратилган адабиёт дастурлари орасида буниси илк бор муайян маънавий-эстетик-педагогик концепция асосида юзага келган дастур бўлди. Адабиёт ўзи нима, у нима мақсадда мактабда ўқитилади, адабий таълимдан қандай мақсад кузатиладию унинг қандай вазифалари мавжуд, сингари саволларга жавоб бера биладиган биринчи дастур эканлиги билан ўзига хос.

Дастурнинг иккинчи бир ўзига хос жиҳати кейинги олтмиш-етмиш йил ичида маориф ишининг асоси бўлиб келган: «Инсоният тарихи — синфлар ўртасидаги курашлар тарихидан иборатдир», — деган марксча қоидага амал қилинмади. Ва тўғри қилинди. Бадиий асарларнинг эстетик жиҳатига таянилган ҳолда умуминсоний қадриятларга асосланган шахс маънавиятини шакллантиришга эришиш дастур муаллифларининг эътиборида бўлди. Мактаб ўқитувчиларидан ўнлаб йиллар давомида таянib келинган эстетик мезонлар асосида таҳлил этмасликни талаб қилиш анчагина ноқулайлик туғдириши табиий, албатта. Лекин маънавияти баркамол шахсни шакллантириш мақсад бўлган жойда адабий таълимга сиёсатнинг бир тармоғи сифатида ёндошмаслик, ҳукмрон ғоя ва сиёсат қанчалик олижаноб бўлмасин, бадиий асарни унинг югурдагига, дастёрига айлантирмаслик шарт.

Мактабда ўқувчиларга қайси ёзувчиларнинг қайси асарларини ўргатиш муҳим масала. Лекин ундан ҳам муҳим масала: бадиий асарнинг қандай ўқитилишидир. Шунинг учун ҳам бирор дастурга истеъдодли адибларнинг талант билан ёзилган асарларини ўрганишни киритиш масалани тўлиқ ҳал этмайди. Ҳамма гап уларнинг қандай ўргатилишида, қандай таҳлилланишида, қандай хулосалар чиқарилишида...

Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларида сўзнинг сеҳридан таъсирланишни, унинг жозибасини ҳис этишни ўргата билсагина мақсадга яқинлашган бўлади. Бадиий сўз қаърига яширинган жозибани, маънони топа билган ўқувчи бадиий асар қаҳрамони тушган ҳолатни ҳис этади, ташвишу қувончларига шерик бўлади. Ўзганинг руҳий ҳолатини сезган, унинг туйғуларини ҳис этган кишида ШАХСликни таъминлайдиган маънавий қадриятларнинг шаклланиши шубҳасиз.

Адабиёт ўқитувчилари ўз талабаларининг ўрганилаётган асарлар юзасидан бир хил хулосага келишига интилмаслиги керак. Фикрларнинг ялпи бир қолипдалиги — фикрсизликнинг ёрқин намоён бўлишидир. Шу боисдан ҳам ўқитувчи учун энг муҳими, ўқилган ҳар қандай асарга нисбатан талабаларининг лоқайд қолмаслигига эришиш ва уларни фикрлашга ундаб, ўз қарашларини асослашга ўргатиш бўлгани маъқул.

Шуни айтиш керакки, ҳар қандай мукаммал дастур ҳам аслида ижодкор ўқитувчи имкониятларини чеклайдиган, уни қолипга солишга ҳаракат қиладиган ҳодиса. Миллий маорифимиз такомиллашгани сари, маънавиятимиз ўсиб боргани сайин, адабий таълим дастурсиз амалга оширилиадиган пайтлар келади. Унда ҳар бир талантли ўқитувчи ўзи яратган дастур асосида ишлайдиган бўлади.

Инсоф юзасидан айтиш керакки, ўқитишнинг сифати ҳақида гап кетганда кўпчилик ўқитувчиларнинг савияси пастлиги, уларнинг методик ҳозирлик даражаси ғариблиги ҳақида гапирадию, муаллимларнинг савиясини кўтариш учун нима қилинди, деб ўз олдига савол қўймайди. Эндиликда ана шу саволни ижобий ҳал қилиш вақти келди. Шунинг учун ҳам тасдиқдан ўтган янги дастур эълон этилиши билан аллақачон тайёрлаб қўйилган дарсликлар бетўхтов чоп этилиши ва дарсликлар ўқувчиларнинг қўлларига тегиши биланоқ адабиёт ўқитувчилари учун ҳар бир синфдаги материалларни қай тарзда ўтса маъқул бўлишини акс эттирувчи қўлланмалар яратилишига киришиш керак. Менинг ўзим, масалан, еттинчи синф учун шундай қўлланма ҳозирлашга тайёрман.

Турғунбой ҲАЛИЛОВ: Ҳақиқатан ҳам, юқорида жуда яхши гаплар бўлди. Ўйлаймизки, бу фикр-мулоҳазалар рўёбга чиқади. Менинг ҳам дарсликлар бўйича анча-мунча юрагимга йиғилган сўзларим бор. Айрим ўқитувчилар китобни ёки бошқа керакли қўлланмани қаердан оламан, дейишади. Чунки улар ўқувчиларни эмас, ўзларини ўйлаб меҳнат қилиш ва изланишдан эринадилар.

Ҳақиқатан ҳам, эски дарсликлар муқовасига «ўзбек адабиёти» деб ёзилгани билан, ичини варақласангиз 30-40 фоизи ўрис адиблари ижодидан ташкил топган бўлади.

Наим КАРИМОВ: Янги дарсликларни яратиш масалаларига бағишланган йиғилишларнинг бирида «Ўқитувчи» нашриётининг директори муаллифларга мурожаат этиб, «Илтимос, шундай дарсликлар яратингки, биз узоқ йиллар мобайнида уларни тузатишларсиз, қисқартириш ва тўлдиришларсиз чиқариб турайлик», деб айтган эди. Бу, эҳтимол, нашрлар нуқтаи назаридан тўғри таклифдир. Лекин, чамамда, аввалги дарсликларда йўл қўйилган асосий хато адабий жараёнда рўй берган янгиликлардан кўз юмиш, адабиётимиз тарихига бўлган нотўғри ва бир томонлама муносабатни узоқ давр мобайнида ўқувчиларга зўрма-зўракилик билан сингириш бўлган. Бугунги кунда узоқ йилларга мўлжалланган дарсликларни яратиш умуман мумкин эмас. Зеро, адабиётимиз тарихига бўлган бугунги қарашимизни ҳам бирдан-бир тўғри ва одил қараш деб бўлмаганидек, ҳозирги, адабий жараён — тирик адабий ҳаракат ҳам тиниқлик касб этаётгани, муайян ижодкорлар ва уларнинг муайян асарлари ҳам ҳали ҳаётда бўртиб кўринаётгани йўқ. Шунинг учун бугун тайёрланган дарслик ва адабиёт мажмуаларини яна икки-уч йилдан кейин озми-кўпми янгилаш, тўлдириш ва мукаммаллаштириб бориш шартдир.

Мактабларда ўзбек адабиёти фанини ўтишдан асосий мақсад ўқувчиларни ўзбек мумтоз адабиёти, ё XX аср ўзбек адабиёти, ёҳуд ўзбек халқ оғзаки ижоди тўғрисида мукаммал билимга эга қилиш эмас. Бундай вазифани ўзбек адабиёти бўйича ихтисослашган мактаб ё олий ўқув юртларигина ўз олдиларига қўйишлари мумкин. Мактаб бу соҳалар тўғрисида умумий билим беради, холос. Аммо ўқитувчилар ҳам, дарсликлар ҳам ўқувчиларга шундай дастлабки йўлланмани бер-синларки, ўқувчилар дарслик доирасидаги маълумот билангина чегараланиб қолмасинлар. Айтайлик, дарсликда Абдулла Қодирийга нисбатан кўпроқ ўрин ажратилган экан, ўқувчилар бу улкан адибни етиштирган адабий муҳитни мустақил равишда ўрганишга ўзларида эҳтиёж сезсинлар. Ёҳуд Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов сингари шоир ва ёзувчиларнинг фақат дастурга киритилган асарларигина эмас, балки бошқа роман ва ҳикоя, достон ва шеърларини ҳам топиб ўқиш ҳаваси уларда пайдо бўлсин. Лўнда қилиб айтганда, мактаб ўқувчида даставвал адабиётга меҳр уйғотиши, эстетик дидни тарбиялаши лозим. Шунинг учун ҳам ҳамма ёзувчиларни мактаб дарслигига киритишни талаб этиш ҳали адабиётга бўлган муҳаббатни — адабиётпарварликни англатмайди.

Мен шу ўринда айрим ҳамкасбларимизнинг ўз соҳалари бўйича ўқувчига мукаммал маълумот бериш истагида дарсликларни иккинчи даражали ёзувчилар, бахшилар, адабий воқеалар билан тўлдириб ташлашга бўлган ўринишларини қўллаб-қувватлай олмаслигимни айтишни истардим. Юқорида айтганимдек, мактаб ҳар бир ўқувчини адабиётшунос ё ёзувчи, ёҳуд шоир қилиб тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўймайди.

Мадомики, мактабнинг асосий вазифаси ўқувчида адабиётга ҳавас ва муҳаббат туйғусини тарбиялаш, унинг юксак маданий киши бўлиб етишуви учун ҳисса қўшиш экан, демак, ҳар бир ёзувчи ё бирор адабий воқеа тўғрисида ўқувчини қизиқтира олувчи, унинг юрагини «жизиллатувчи» маълумотларни бериши зарур. Бизнинг шу пайтгача мактаб дарсликларини ўлик тилда ёзиб келганимиз ўзини оқламади. Оқибатда ўқувчиларда адабиёт фанига бўлган меҳр оловланиши ўрнига аксинча, сўниб борди.

Агар сўнгги йиллар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига назар ташлайдиган бўлсак, асарни таҳлил этишда нурсиз ва туссиз тилдан жозибали, гўзал ва бой тилга ўтишга интилишни ва бунинг аён самараларини кўрамиз. Бадиий адабиёт тўғрисида аслида шундай— ёнар сўз билан баҳс юритиш, ёзувчининг бадиий ниятини тушуниш, унинг асарини ҳис ва таҳлил этиш лозим. Худди шундай талқин ва таҳлил санъати мактаб дарсликларида ҳам балқиб туриши зарур.

Афсуски, янги яратилган ва яқин орада ўқувчилар қўлига етиб борувчи дарсликлар шундай ифодали тил билан ёзилган, деб бўлмайди. Лекин биз, муаллифлар, бу дарсликни ҳар томондан, шу жумладан тил ва услуб нуқтаи назаридан ҳам пишитиб боришимизга тўғри келади. Жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини ўз чангалига олган бозор иқтисоди шароитида, маънавий қадриятларга эътибор ачинарли ҳолга келган шароитда биз дарсликлардаги кўркам ва жозибадор тилимиз билан ўқувчини мафтун этишимиз, сўз санъатига, кишилик жамияти тарихида пайдо бўлган энг буюк мўъжизалардан бирига ҳақиқий меҳр ва муҳаббат уйғотишимиз лозим.

Энди яна бир масала. Мадомики, биз мактаб дарсликларини ортиқча ахборот билан мураккаблаштирмоқчи, муайян ёзувчилар ижоди мисолида ўзбек адабиётининг тараққиёт йўлини кўрсатмоқчи, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти тарихидаги ўрни тўғрисида ҳам бевосита тасаввур бермоқчи эканмиз, халқ таълими вазирлиги, бу вазирлик ихтиёридаги методика услубият марказлари мактаб дастурига кирмаган ёзувчилар, адабий даврлар ва боқий асарлар тўғрисида баҳс юритувчи қўшимча илмий-оммабоп адабиётни нашр этиш, бу масалаларга оид қўлланмаларни чоп этишни йўлга қўйиш хусусида ўйлаб кўриши зарур. Токи, бизнинг миллий мактабимизни тугатиб чиқувчи ёш фуқаролар мустақил Ўзбекистон республикасининг юксак маданиятли ва маърифатли кишилари бўлиб етишсинлар.

Нусратулло ЖУМАЕВ: Фақат адабиёт эмас, бутун таълим тизими қайтадан турғунлик палласига кирганга ўхшайди. Таълим янгиланмаяпти. Мактабларда ҳамон эски дастур, дарслик, тавсияномалардан фойдаланиб дарс ўтишяпти. Чалкаш ва чалкаштириш авжида. Эски ўзбек тили ва ёзуви фани дарс жадвалига илмий мудир томонидан «араб тили» деб ёзиб қўйилмоқда. Ўқитувчи ҳам ўз сабоғини ўқувчига «араб тили» дея баралла эълон қилиб, тахтага бир неча луғавий бирликни кўчириб ёзиш билан кифояланиб, ўзини дарс ўтган ҳисоблаб юрибди. Эски ўзбек тили билан араб тилининг фарқига ўқитувчию илмий мудир бормас экан, ўқувчидан ўпкаламаса ҳам бўлади.

Ҳамон бешинчи синфдан бошлаб тарих фани ўқиётган болага она Ватан ва миллат тарихи эмас, Россия ва босқинчилар ўтмиши ўргатилаётгани. Тасаввур қиласизми, миллат фарзандларининг кўзи мустамлакачиларни улуғловчи мозий сабоғи билан очилади. Бу уларда қандай қилиб мутелик ва манқуртликни тарбияламасин? Ахир, бу мустақиллигимиз шаънига ҳақорат эмасми? Тарихни шундай ўқитаётган пойтахт мактабларидан бирида бўлиб, илмий мудир билан мазкур аҳволдан дардлашдим. Маълум бўлишича, унинг ўзи тарихчи экан, чаққонлик билан менга жорий ўқув йили учун чиқарилган дастуру тавсияномаларни рўкач қилди. Тўғри, янги дастур ва дарслик қачон яратиладию қачон мактабга етиб келади — номаълум. Лекин, шунгача яроқсиз китоблардан фойдаланиб юриш инсофданми? Бу йўл билан ёш авлодда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантириб бўладими?

«Саводнинг бешиги — алифбе» деганларидек, миллийлик ҳам алифбедан бошланади. Бугун яқиндагина чоп этилган, ҳали сиёҳи ҳам қуримаган «янги» алифбе китоби қўлимга тушиб қолди. Танишиб чиқдим. Китоб Қумри Абдуллаева томонидан тузилган аввалги «Алифбе»нинг бир озгина ўзгартирилган нусхаси эди. Китобнинг катта қисми суратлардан иборат. Суратларда миллий бўёқлар танқис. Бўёқларгина эмас, миллий либослар, миллий болалар ўйинлари тасвири, миллий эртак ва достонлардан олинган воқеабанд-мундаригжали суратлар етмайди. Китоб, асосан, ғайр миллат қиёфаси, либоси, ўйин манзаралари, эртагу — достонидаги лавҳалар тасвири билан зийнатланган. Бола ҳарфларни ўргангач, гаплар тузишга ўтар экан, «Менинг онам тўқимачилик комбинатида ишлайди» каби отаонасига сенлаб муомала қилишни ўргатувчи жумлалар тавсия этилади. Ахир бу ўзбек миллий муомала маданиятига ёт-ку! Маданий ўзбек оилаларида ота-она сизлаб, ҳамиша ҳурматланади.

Бобур бир асарида «Ўргангали илм толиби илм керак» дейди. Бу жуда катта ҳаётий мазмунга эга. Маърифат ҳосил қилиш учун илм толиблари керак. Бугина эмас, илмнинг чинакам талабгори бўла олиш ҳам зарур. Қулфат шуким, бизда кўпчилик ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам илмнинг ҳақиқий толиби эмас. Яқинда битта абитурентга синов учун диктант ёздиришга тўғри келди. Матн Бўрибой Аҳмедовнинг «Улуғбек» китобидан танланди. Унда Улуғбек билан Темур ҳақида гап кетарди. Саводи ночорлиги аён бўлгач, тарих факультетининг талабгори бўлгани учун, уни ўз «қизиққан» соҳасидан синаб кўрмоқчи бўлдим ва Темурнинг кимлигини сўрасам, «лашкарбоши» дея жавоб берди. «Хайр, майли шундоқ бўла қолсин, аммо у кимнинг лашкарида лашкарбоши эди?» десам, «Темур Улуғбекнинг лашкарида лашкар боши эди», деган жавобни олдим. Демак, бобо набирасининг лашкарбошиси эканда? Шунда, беихтиёр, Улуғбекнинг бобоси кимлигини сўрадим. У «Приз.., Приз... Пири Зиндоний!» дея иккилана-иккилана жавоб берди. Бу илм толибининг мақсадларидан сўрасангиз, у мактабдаёқ аввал тарих факультетига кириш, сўнг ўқишни ҳуқуқшуносликка кўчириш ва ҳоказо режаларини тузиб қўйган. Аксарият ўқитувчилар ҳам шундай. Улар ўқимаслик, изланмасликка ўрганиб қолишган. Дарслик бўлмаса-да, кейинги беш йиллик матбуот маълумотлари, «Чўлпон» нашриёти чоп этган «Шажарайи турк» асари, Темур ҳақидаги китоблар, «Камалак» адабий бирлашмаси томонидан нашр этилган «Мерос» солномалар мажмуаси ва бошқа янги китоблар асосида миллат, Ватан тарихини бемалол янгичасига ўқитиш мумкин. Афсуски, муаллим эски андозаларни маъқул кўрмоқда. Бу ерда Умарали Норматов янги адабиёт дастурлари лаоқал ўн минг нусхада нашр этилиб, янги ўқув йилигача ўқитувчининг қўлига етиб бормагани тўғрисида қайғуриб гапирдилар. Тўғри, лекин фақат шу билан мушкул осон бўлса эди. Асли, дастур мактабга етиб бормади, дейиш ҳам қийин. Чунки унинг лойиҳаси «Маърифат» рўзномасида эълон этилиб, халқ муҳокамасида ижобий баҳоланди. Мустақил фикрловчи, омилкор муаллим учун шунинг ўзи кифоя. Дард шундаки, умуман рўзнома ўқимайдиган ўқитувчиларимиз етарли, ўқиб ўқмайдиганлари қанча. Шунинг учун дастур ўн мингта мактабга етиб боргани билан, ўқитувчи ишга ижодий ёндошмаса, бекор.

Маърифатнинг бошида яна бир кулфат бор. Унинг номини Бухоро шеваси билан «кўрхаридлик» дейиш мумкин. Бошқа баъзи шеваларда бу тушунча «кўрсавдо» дейиларкан. Бунинг маъноси шуки, бозорга кирган харидор яхши молни айириб ололмайди. У мудом адашиб, яхшини қолдириб, ёмонни сотиб олади. Унинг диди ўтмас, хариди кўр. Мен маънавий кўрхаридлик ҳақида гапирмоқчиман. Жамиятимиз бозор иқтисодиёти тизимига киришди. Бозорда, Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, менинг молим ёмон деган бирор кимсани учратмайсиз. «Камалак» адабий матбаа бирлашмаси тўрт вилоят — Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона тарихини қадимий манбалар асосида ёритувчи «Мерос» китобини юз минг нусхада чоп этди. Китоб таркибидаги баъзи асарлар биринчи марта нашр этилди. Улар миллатимизнинг қадим ифтихорли тарихи ҳақида, энг кир ва қора яқин ўтмиши ҳақида ҳам етарли янги тасаввур бера олади. Китоб нархи арзон — 8 сўм. Лекин таажжубки, муштарийлар шундай китоблар қолиб, пала-партиш нашр этилган, шаҳвоний моҳиятга эга енгил-елпи китобларни олиб кетаверадилар. Маърифат бундан ортиқ хор бўладими?

Кўрхаридлик баъзан онгли равишда содир этилади. Вазирлик ва нашриёт норасо китобларни биринчи навбатда бозор айлайди. Акрам Каттабеков икки дарсликка ёзилган тақризларнинг ўрнини алмаштириш ўйини ҳақида гапириб бердилар. Дарҳақиқат, Султонмурод Олим ва менга бир дарсликка холис тақриз ёзиш вазифаси нашриёт томонидан топширилган эди. Биз уни бажардик. Энди маълум бўлдики, тақризлар янги дастур асосида ёзилган дарсликни тўхтатиб, бошқасини нашр этиб юбориш учун фойдаланишган. Бу иш жуда осон амалга оширилган — икки дарслик жилдидаги тақризларни алмаштириб қўйиш усули қўлланган. Бу, беихтиёр, айтгани билан қилмиши тескари, риёкор ваъзхонлар ҳажви учун Алишер Навоий томонидан «Мажолис ун-нафоис»да келтирилган:

Воизонкин жилва бар меҳробу минбар мекунанд,
Жойи дигар мераванду кори дигар мекунанд

байтини эслатади. Маъноси шундайки, баъзи раҳнамолар минбарга чиқиб олиб ҳақпараст бўлиб жилваланадилар, ўзга ерга борадилару бошқача иш тутадилар.

Султонмурод ОЛИМ: Мактабларимиз учун адабиётдан дастур ва дарсликлар тузиш борасида гап кетар экан, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумати бу масалани ҳали жумҳуриятимиз мустақиллигини эълон қилмасдан бир неча ойлар олдин кун тартибига қўйган ва бу ишга бош-қош бўлган эди. Мактаб учун адабиётдан дастур ва дарсликлар тузиш масаласи ҳукумат миқёсида илк бор 50-йиллардагина кўрилган экан.

Яна бир жиҳат бор. Янги дастур тузган адабиётчилар гуруҳи ҳали Совет Иттифоқи тарқаб кетмаган бир даврда «Совет адабиёти» деган истилоҳдан воз кечиб, янги давр сўз санъатини «ХХ аср ўзбек адабиёти» деб номлаган эди. Мустақиллик эълон қилинганидан кейин бу дастурни «Маърифат» газетасида чоп этаётганда, деярли ҳеч нарсани сиёсат ўзгаргани учун ўзгартиришга ҳожат бўлмади.

Дастур жуда тез фурсатларда тузилди, унинг лойиҳаси вақтида матбуот саҳифалари ва муаллимлар жамоаларида кенг муҳокама қилинди. Дарслик ва мажмуалар тузиш ишлари ҳам пайсалга солинмай бажарила бошланди. Аммо, негадир, кейинги пайтларга келиб ўша тайёр дастур, дарслик ва мажмуаларни чоп этиш ишлари аввалгидек жадаллик билан амалга ошмаётибди. Афтидан, бунга мактаб тизимида рўй бераётган ўзгаришларнинг ҳам таъсири бўлди. Мактабларимизнинг янги тизимга ўтиши ҳам анча даврни талаб қилади ва шу ўтиш даври учун ҳам дарслик керак-ку. Шунинг учун бу борада ишни тўхтатиб туриш ёки сустлаштириш ҳеч мумкин эмас.

Тузилган дастур муҳокамаларида, назаримда, асоссизроқ фикрлар ҳам билдирилди. Айтайлик, дастур мактаб ҳаётидан узоқроқ мутахассислар томонидан тузилган эмиш. Энди бир масалани ҳисобга олайлик. Одатда дарсликлар илмда ҳозиргача маълум ва кўпчилик томонидан маъқулланган илмий хулосаларга таянган ҳолда тартиб берилади. Аммо коммунистик мафкура яккаҳокимлиги замонларида сўз санъатимиз намуналари ва намояндаларига шу қадар ҳақиқатдан йироқ баҳолар берилган эдики, ҳозир тайёр хулосалар асосида дарслик тузиш яна ўша эски гапларни такрорлаш бўлур эди. Хўш, нима қилиш керак? Ҳамма гап шундаки, ҳозир дарсликларни илмнинг ўзида қарашларни ўзгартираётган мутахассислар тузиши шарт.

Ҳозир адабиётни қайси услуб билан эмас, аксинча, қандай, яъни қайси талқин билан ўқитиш муҳим. Шунинг учун ҳозирги янги дастур ва дарслик муаллифларининг кўпчилиги олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларда ишлаётган тадқиқотчилар экани давр талаби. Майли, дарсликлар чоп этилсин, улардаги, борингки, методик жиҳатдан айрим камчиликларни ҳаёт кўрсатар, кейинги нашрларда ўша услубшунослар кўмагида уларни тузатиш қийин кечмас. Бироқ адабиётимизга қарашларимизни янгиламай туриб дарслик тузиб бўлмайди.

Мана, «дунёвий адабиёт» деган тушунчани олайлик. Ҳозиргача мавжуд илмимизда Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сидан (XIV аср) дунёвий адабиёт бошланди, деган қараш бор. Навоий ижоди ҳам дунёвий адабиёт сифатида талқин этилади. Эмишки, Навоий ғазалларида чин инсоний муҳаббат (яъни одамнинг одамга ишқи) куйланади. Йўқ. Навоий ижодини тасаввуфий адабиёт намунаси тарзида ўрганишгина моҳиятан тўғри хулосалар беради. Бироқ ҳар қандай мистик адабиётда ҳам дунёвийлик бўлгани каби, тасаввуфий адабиёт ҳам дунёвий ғоялардан холи эмас. Айнан Навоийнинг ўзи шахс сифатида сўфий эмас, аксинча, дунёвий бир киши, қолаверса, ҳукмдор — амир бўлган. Аммо у ғоятда мутасаввиф, яъни тасаввуф тарафдори. Унинг ижоди эса тасаввуфона. Шоирнинг дунёвий ҳаётига қараб унинг ижодини ҳам дунёвий адабиёт тарзида баҳолаш мумкин эмас. Буни тушуниш осон бўлсин учун биргина далил келтираман: ахир, дунёда ўзи миллионер бўла туриб, бир бурда-гина нонга зор одамлар гами билан яшаб, ижод қилаётган, асарларида ўшалар дардини куйлаётган ёзувчилар камми?..

Азим СУЮН: Ҳамма нарсанинг боши мактабдир. Айни замонда иқтисодий тараққиётнинг энг юқори чўққисига кўтарилган Япония, Олмонияга ўхшаш давлатларда иш биринчи галда мактаб ва таълим тизимини ислоҳ қилишдан бошланган. Энди бевосита адабиётни ўқиш-ўргатиш хусусида гапирадиган бўлсак, аввало дарсликнинг номланишига аниқлик киритиш лозим. Масалан, Туркияда «Турк адабиёти» деб аталиб унга бутун туркий халқлар адабиётлари намояндалари тўлиқ киритилган. Бизда ҳозирча «Ватан адабиёти» дейилмоқда. Мен «Ўзбек адабиёти» ёки, «Миллат адабиёти» деб атамоқликни таклиф қиламан. Чунки Ватан деганда биз маълум чегарадаги жуғрофий ҳудудни тушунамиз. Миллат деганда эса чегараю сарҳадлардан қатъий назар, ижодкор қаерда туриб ижод қилмасин, барибир маълум бир халққа тегишлидир.

Халқимиз узоқ тарихга эга. Адабиёт тарихи давлатчилигимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Самонийлар, Темурийлар ва ҳак. Тарихий ва адабий ҳаётни алоҳида ўрганилиб, шу давр адабиёти ана шу сулолалар номи билан атал

• *Инсон ва қонун*

Бугун—осойишталик, эртага—фаровон ҳаёт ва демократия

— ДЕИДИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ИЧКИ ХИЗМАТ ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТИ ЗОКИРЖОН АЛМАТОВ.

— Раҳмат. Бу табрик бежиз эмас. Бугунги мураккаб шароитда Ўзбекистондаги энг катта бойлик — осойишталикни сақлаб туришда, газандаларга қарши курашда милициянинг хизмати катта. Айни пайтда, одамлар орасида «милиция ишламаяпти, ҳаммаёқни ўғри, муттаҳамлар, талончилар босиб кетди» деган гаплар қулоққа чалинади.

— Бу, масалага бирёқлама қараш натижасидаги гаплар. Ўғри-муттаҳамлар, бошқа турли жиноятчилар кўпайиб кетгани рост. Лекин бунга сабаб милициянинг ишламаётгани эмас: ҳозирги ўтиш даврининг минтақа иқтисодий ва маънавий сабаблари бор. Бугун ҳибсхоналар, аҳлоқ-тузатиш колониялари, қамоқхоналар ана шундай жиноятчилар билан тўлиб кетган. Уларни милициядан бошқа ким тутади? Милиция қаттиқ ишлаяпти.

— Сиз вазир бўлганингизга бир йилдан ошди. Биринчи суҳбатимизда сизнинг оддий милиционерликдан кўтарилганингиз, жиноят қидирув бўйича мутахассислигингиз ҳақида гап бўлган эди. Ўтган давр ичида Ўзбекистон милициясида нима ўзгарди, хусусан, кейинги йиллар ҳаётга кириб келган уюшган жиноятчиликни тугатиш бўйича нима дея оласиз?

— Шу йилнинг ўтган даврида жиноят-қидирув бўйича жиноятларни очиш кескин яхшиланди, ўсиш суръати камайди. Хусусан, оғир жиноятларни очиш 5 фоизга, номаълум шароитларда содир этиладиган жиноятларни очиш 8 фоизга яхшиланди, машиналарни олиб қочиш 40 фоизга камайди. Айниқса Тошкент шаҳар (бошлиғи К. Ғафуров), Сирдарё вилояти (бошлиғи А. Отахўжаев), Навоий (бошлиғи Т. Каримов), Қашқадарё (бошлиғи Ш. Каримов) вилоятлари Ички ишлар бошқармалари жиноятчиликнинг пайини қирқишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

— Бунга вазирлик аппарати қандай таъсир кўрсатмоқда?

— Илгари жиноят қидирув, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармалари ўз ҳолича ишларди, унум паст эди. Бу иккаласини бирлаштириб Жиноят қидирув Бош бошқармасини ташкил қилдик. Янги кадрлар билан мустаҳкамладик. Бош бошқармага милиция полковниги, тажрибали изқувар Ғафуржон Тошматов раҳбарлик қилаяпти. Кучлар бирлашиб, самара тезда кўзга ташланди.

— Мисоллар айтинг?

— Йил бошидан жами уч ярим мингдан ортиқ жиноий гуруҳларнинг «фаолиятига» чек қўйилди, беш мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида жиноят оламида сардор ва «авторитет» саналган 300 дан ортиқ шахслар ҳисобга олинди.

— Зокиржон Алматович, кўпи кеча милиция ходимлари ўзларининг касб байрамларини нишонладилар. Сизнинг уларга бир оғиз тилагингизни газета орқали етказсак.

— Газетангизда милициянинг касб байрами муносабати билан Президентимиз Ислом Каримовнинг табриклари эълон қилинди. Мустақил давлатимиз энг катта раҳбарининг дил сўзлари—барча милиция ходимлари учун ҳам, мен учун ҳам юксак мукофот. Мидицияга бунақа эътибор ҳеч қачон, ҳеч қайси биринчи раҳбар томонидан кўрсатилмаган ва бу ишонч бизнинг кучимизга куч қўшади, зиммамиздаги масъулиятни бир неча баравар оширишга даъват этади.

— Ҳисобга олиш билан иш тугадими?

— Тушундим. Ҳисобга олиш—ишнинг бошланиши. Бир неча ўнлаб уюшган гуруҳлар устидан суд ҳукмлари ўқилди, яна ўнлаб гуруҳлар бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда. Масалан, шу йил 7 октябрда тушган маълумотга кўра бир гуруҳ жиноятчилар «ОМАД» фирмаси директори М. Зоировни ўлдириш билан қўрқитиб катта пул талаб қилишаётган экан. Директор билан суҳбатда бу тасдиқланди. Икки киши уни идорасидан олиб чиқиб, «Волга» машинасига (рулда учинчи жиноятчи) ўтқазиб Тошкент халқа йўлига олиб боришган. Қамоқда ўтирганларнинг ҳолидан хабар олиб туришга катта пул талаб қилганлар. Жиноий гуруҳ қўлга олинди, энди улар ошналарининг ҳолидан хабар олишига ҳожат йўқ — узоқ муддат бирга бўлишади. 24 сентябрь куни Мирзо Улуғбек районида истиқомат қилувчи қуролланган гуруҳ фаолияти тугатилди. Улар ҳам «сараланган» одамларга қурол ўқталиб, болаларини ва қариндошларини ўлдириш билан қўрқитиб пул олиб юрганлар. Жумладан, Тошкент аграр университетининг профессорига тўппонча тираб 250 минг сўм сўраганлар, чет элда ишлаб қайтган ЖЭК инженерини ишхонасидан уйига бошлаб бориб «Хитачи» видеомагнитофони ва «Сони» телевизорини олганлар, Миробод районидаги қурилиш кооперативининг раисидан «қарзга» 250 минг сўм сўраганлар ва яна анча... 22 сентябрда Нукусдаги «Автодор» кооперативи раисининг уйига тўрт қуролланган газанда кириб уни зўрлик билан уйидан олиб кетишган ва шаҳар чеккасига бориб кечгача 50 минг сўм топиб бериш шартини қўйганлар. Уларни тутиб тинтув қилинганда милтиқ, портлатгич, қимматбаҳо буюмлар олинди. 10 октябрь куни прокуратура билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрида «авторитет»ларнинг турмуш тарзи «ўрганиб» чиқилди. Бу жараёнда уларнинг уйларидан турли гиёҳванд моддалар, канистрларда спирт, тилла буюмлар, қимматбаҳо тошлар, видеотехникалар тортиб олинди. Бундай гуруҳлар Хоразм, Бухоро ва бошқа вилоятларда ҳам кетма-кет қўлга олинмоқда.

— Милиция жиноятчиларга шерик деган гапга қандай қарайсиз?

— Гуручнинг орасидаги биттаиккита курмак, бу, гуручнинг ҳаммаси яроқсиз дегани эмас. Курмаклар бор, уни топган заҳоти териб ташлаймиз. Қолаверса, қайси соҳада курмаклар йўқ? Яқинда босқинчилик устида қўлга тушган жиноий гуруҳ орасида институт проректори бор, тергов олиб борилаётган валютачилар гуруҳи орасида район ҳарбий комиссари, гўшт комбинатининг директори бор. Мен бу билан жиноятга шерик милиционерларни оқламоқчи эмасман, милиция ҳам шу халқнинг вакили эканини эслатмоқчиман, холос. Бу халқнинг тарбияси эса — фақат милициянинг вазифаси эмас, жуда катта масала.

— Илгари БХСС деган хизмат бўларди, энди у БЭП (иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш) деб номланди. Кўча-куйда эса чайқовчилик авжига минаяпти.

— Биласизми, бу — бозор иқтисодининг қонуниятлари билан боғлиқ. Эркин нарх, шартномавий нарх шароитларида ҳар битта майда чайқовчини жавобгарликка тортиш қийин. Қолаверса, ҳозирги инқилобий ўзгаришлар жараёнида миллионлаб сўмлик маҳсулот ва буюмларимиз четга ташиб кетилмоқда. Ўшаларни тутиш муҳимроқ ва БЭП хизмати асосан шу иш билан шуғулланмоқда. Масалан 25 августда Каунас шаҳридаги Литва-Германия қўшма корхонаси вакили А. Сусойкин деган шахс қўлга олинди. У «Узинтранс» бирлашмасига қарашли иккита «Супермаз» автомашиналарида 32 тонна мисни гумдон қилмоқчи бўлган. Бу мақсадда Тошкентга 23 минг Америка доллари билан ташриф буюрган. Ундан 18 минг долларини биз аниқлаган шахслар орқали 4 миллион сўмга алмаштирган. Сўнг, «Бирюса» идораси брокерлари, Самарқанддаги «Иттифоқ» корхонаси раиси орқали ҳар тоннасини 60 минг сўмдан 10 тонна мисни нақд пулга сотиб олган. Яна 22 тонна мисни Тошкентдаги «Восток» фирмаси, Ангрендаги «Наш дом» кооперативи вакилларидан сотиб олган. Текширишда бу мислар Ангрен кўмир разрезининг турли участкаларидан ўғирлангани ва бу ўғирликда оддий ишчилар қатори корхонанинг бир неча раҳбар ходимлари ҳам иштирок этгани аниқланди. Жиноятчилар республика прокурори руҳсатномаси билан ҳибсга олинган, тергов кетаяпти. Терговда бир шахсга катта пора—доллар бериш эвазига лицензия расмийлаштирилгани ҳақида маълумот бор. Бу лицензияни эса «Узметаллургпром» концерни масалани чуқур ўрганмасдан ёзиб берган. Шунингдек, БЭП бошқармаси ходимлари 25 сентябрь куни Ироқ фуқароси Аллос Сахимни қўлга олишди. Вильнюсдаги «Демос» қўшма корхонаси директори бўлмиш бу шахс Тошкентдаги «Ғамхўрлик» ҳайрия акционерлик жамғармасининг раҳбари билан тил бириктириб, турли тижорат фирмалари ва хусусий шахслардан ҳар тоннасини 65—75 минг сўмдан катта миқдорда мис сотиб олишган. Бу ишда ҳам бир неча минг Америка долларлари қатнашган. Уни Республикадан ташқарига олиб чиқиб кетишга рухсатнома — лицензия ҳам катта пора эвазига расмийлаштирилган

— Тушундим. Бу бойликларни ўз эгасида қолишини таъминлаётган милиция ходимларига шу халқнинг миннатдорчилигини етказишимиз керак. Жонини жабборга бериб ишлаётган, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлсада, зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажараётган ходимлардан бирнечтасининг исм-шарифларини айтсангиз. Вазирнинг эътирофи — улар учун катта мукофот.

— Марҳамат. Сирдарё вилояти Ш. Рашидов райони ички ишлар бўлими бошлиғи Азретқул Айдаров, Хива район-шаҳар милиция участка катта инспектори Тоир Жабборов, Тошкент шаҳар Миробод райони ички ишлар бўлими жиноят-қидирув инспектори Илҳомбой Мавлонов, Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими тезкор вакили Баҳриддин Фозилов, Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси милиция участка инспектори Баҳодир Ҳолимов, вазирлик вақтинча сақлаш ҳибсхонаси ҳамшираси Азиза Дандиева, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бўлимининг бошлиғи Маҳмуд Хайитов, тезкор вакили Бобоқул Шукуров. Бунақа номларни мамнуният билан яна узоқ санайверишим мумкин...

— Раҳмат. Энди, бугунги ҳуқуқий ҳаётимиздаги энг оғриқ савол: йирик амалиётчи-ҳуқуқшунос сифатида Сизни жиноят қонунларимизнинг бугунги аҳволи қониқтирадими?

— Йўқ.

— Нима қилиш керак?

— Олий Кенгашда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилардан ташкил топган комиссия бу қонунларни янгилаш устида ишламоқда. Биз ҳам қатор таклифларимизни берганмиз.

Ислом қонунларидан фойдаланиш зарурияти борлигини ҳис қилмаяпсизми ҳозирги даврда?

— Яхши бўларди. Фақат уни шундоқ кўчириб олмасдан, бугунга мослаб ишлаш керак. Бу олимларнинг, юқорида эслатилган комиссиянинг иши. Жиноят кодексига қотиллик, босқинчилик, талончиликка нисбатан муросасиз моддалар киритиш зарур.

— Мафиянинг қудрати ҳақидаги гапни эшитганмисиз сиз ҳам?

— Сафсата. Бизда давлат мустаҳкам. Унга заррача шикаст етишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Ҳозирда «Тожикистондан ўрганиш керак демократияни» деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Бизнинг халқимиз демократияга ташна демократлар нимани истаётганини, уларга қўйиб берсанг халқни нималарга бошлаб боришини уларнинг юқоридаги гапларида яққол кўриши мумкин. Қўшни Тожикистонда 300 минг одам дарбадар кезиб юрибди, минглаб инсонлар бедарак йўқолган, минглаб кишилар ер тишлаган, очарчилик шарпаси кезмоқда. Бу — «демократлар»га эрк бериб қўйишнинг амалдаги аянчли оқибати. Шунинг учун «демократия» деб қичқиришга шайланган носоғлом варақалар, газеталар, товушларни йўргагида бўғиб ташлаймиз. Бизга қон ичидаги ёввойи демократия эмас, осойишта ва фаровон ҳаётдаги маданий демократия керак. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, бугун осойишталикда иқтисодиётимизни йўлга солиб олсак, эрта-индин ана шундай фаровон ҳаётга ва маданий демократияга етиб келамиз.

— Раҳмат. Муваффақият ёр бўлсин.

Суҳбатдош:
Ҳабибулла ОЛИМЖОН.

Жорилла Файзуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВ

Ўзбек фани оғир жудоликка учради.

Йирик механик олим, Ўзбекистонда «Кўпфазали ва кўпкомпонентли муҳитлар» илмий йўналишининг асосчиси, хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзФАсининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Файзуллаев Жорилла Файзуллаевич 68 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Ж. Ф. Файзуллаев 1924 йил 11 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. 1948 йили Ўрта Осиё Давлат университети физика-математика факультетини механика мутахассислиги бўйича тугатди. У 1947—1953 йилларда талабалик чоғлариданоқ педагогик фаолиятини тўқимачилик техникумида механикадан дарс бериш билан бошлади. 1953 йилдан 1959 йилгача Тошкент Қишлоқ хўжалигининг ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти олий математика кафедрасида ассистентлик қилди. 1959 йилнинг охиридан ҳаётининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг М. Т. Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида ишлади. Ж. Ф. Файзуллаев 1960 йили физика-математика фанлари номзоди бўлди, 1969 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. У 1974 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига сайланди.

Ж. Ф. Файзуллаевнинг илмий ишлари амалий механиканинг кўп масалаларини қамраб олган. Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган. Бешта монографиясидан бири — «Кўпфазали муҳитларнинг қувурлар ичидаги ламинар ҳаракати» китоби 1969 йилда АҚШда нашр қилинган.

Ж. Ф. Файзуллаев Ландау-Раҳматуллиннинг механик модели ва А. А. Ильюшиннинг ёпишқоқпластик муҳитлар ҳаракати дифференциал тенгламалари системаси асосида реологик хусусиятларга эга муҳитларнинг тенгламаларини умумлаштирди. Бу соҳада эришилган натижалар унинг «Коришма ҳаракатининг гидродинамик модели» монографиясида акс этган.

Ж. Ф. Файзуллаевнинг илмий ютуқлари катта назарий аҳамиятга эга бўлиб, амалиётда кенг жорий қилинган. Файзуллаевнинг фундаментал изланишлари механиканинг нефть саноатида, темир йўл полотносининг емирилишига қарши тадбирларда татбиқ этилиб, катта иқтисодий самаралар берди. Илмий фаолияти билан бир қаторда юқори даражали механик-мутахассисларни тайёрлаш йўлида педагогик ишларини ҳам олиб борди. Унинг раҳбарлигида ўн нафар фан доктори ва 50 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиқди. Илм-фанни ривожлантиришда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги хизматлари учун олим қатор орден-медаллар билан тақдирланган, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган. Иқтидорли олим Ж. Файзуллаевнинг порлоқ хотираси дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари юрагида абадий яшайди.

А. М. Муталов, Р. Р. Ражабов, М. Қ. Қорабоев, С. С. Саидқосимов, М. С. Салоҳиддинов, А. F. Ҳолмуродов, И. И. Искандаров, С. К. Камолов, Т. Р. Рашидов, Е. Н. Муборакov.

ЖОНИНГНИНГ БИР БЎЛАГИМАН...

(Боши 1-бетда).

ҳаёт кечираётганликлари уларнинг бир бирига меҳр-оқибати, қадр-қиммати устиворлигидан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқи учун камарбаста миллатпарварлигидан, тадбиркор раҳбар эканлигидан гувоҳлик беради. Туркияда уни жасур бошқон дейдилар. Биз ватандошлар Ўзбекистон ҳаёти, одамларнинг турмуш тарзи билан танишиб, уларнинг ёрқин келажакка интилиб яшашини кўрдик. Жаҳонга Алҳоразмий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, Алишер Навоий каби машҳур алломаларни берган юртимда кутганимиздай уларнинг ақлли ва тадбиркор авлодларини кўрдик, уларнинг иш фаолиятлари, улуғвор режалари билан танишдик. Биз ёшлар биргаликда шундай қилайликки, қураётган янги ҳаётимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлиб, Ўзбекистон жаҳон миқёсида ўз ўрнини топа олсин.

Она диёрим билан, ҳамюртларим билан хайрлашар эканман, уларни Туркияга лутфан таклиф этаман. Қалбимиз кўри — уйимиз тўри доимо сизга мунтазирдир, азиз юртдошларим.

Абдулла Абдураҳмон Саид Олимхон (Саудия Арабистонидан), ўзбек тили муаллими:

— Давр тақозоси ила она элдан бадарға бўлиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон шунча йил ватан илинжида яшадик. От айланиб қозиғини топади, деганларидек, мана, Аллоҳга минг бора шукрларким, она юрт, юртдошлар дийдори қиёматга қолмаган экан. Ота-боболаримиз орзу қилган бу улуғ кун бизга насиб этди. Хорижда қанчалар бойбадавлат, ҳамма нарсамиз муҳайё яшамайлик, барибир, кўнглимизнинг бир чети кемтик эди. Бизга Ватан, ватандошлар меҳри етишмасди. Бугун она юртимни, сизларни кўриб, меҳрингларни туйиб кўнгилларимиз тоғ, дилларимиз чоғ эканлигини қай йўсинда ифода этай?! Бунинг ягона ифодаси Ўзбекистонга қўлимиздан келгунча, имкониятимиз борича ёрдам беришдир. Ўзбекистон бу қийинчиликлардан қисқа муддат ичида халос бўлгай. Насиб этса, шундай кун келадики, Пайғамбарлар назари тушган Ўзбекистон жаҳонга ер юзининг жаннати деб танилади. Бу кунни яқинлаштириш эса сизу бизга боғлиқ. Ишонамизки, энди ҳеч қандай тўсиқ йўлимизга ғов, борди-келдиларимизга раҳна солмайди.

Хайрлашув чоғида кўзларимиздаги ёшларга ажабланманг, она дийдорини қанчалик интиқлик билан кутган бўлсак, уни тарк этиш шунчалар оғир биз учун.

Сизлар билан, азиз юртдошларим, алвидо деб эмас, қўшиқда куйлангандай Жонингнинг бир бўлагиман, Она Туркистон, яна кўришгунча! — дея хайрлашамиз.

Хуш қол, Она Ватан!

Г. ЭРГАШХУЖАЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАШИНА САМОЛЁТ ЭМАС, УЧИРМАНГ!

ҲАР қандай шароитда ҳам эҳтиётсизлик унутилса қўнгилсиз воқеалар содир бўлиши турган гап. Қуйидаги йўл-транспорт ҳодисаларни ҳам эҳтиётсизлик, эътиборсизлик туфайли содир бўлган.

Александр Шукуров Бухоро вилоятининг Пешку райони ҳудудида ўзига биркитилган МАЗ-5549 маркали 59—56 БХЗ давлат белгили машинани бошқариб келаётиб, эҳтиётсизликни унутди. У Октябрь карьеридан Зандани қишлоғи томон бораётиб, йўлнинг чеккасидаги Восход-3 мотоциклини уриб юборди. Мотоцикл эгаси Ғиёс Рўзиев машина тўғри бостириб келаётганини кўриб, мотоциклни ташлаб, четга қочишга ҳаракат қилди. Лекин улгуролмади. У оғир тан жароҳати билан Пешку район касалхонасига келтирилди. Шифокорлар қанчалик уринишмасин, унинг ҳаётини сақлаб қолишолмади.

Яна бошқа бир мисол. 3 октябрь куни Навоий—Конимех катта асфальт йўлининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигига қарашли 12-бригадаси ҳудудида енгил автомашина билан юк машинаси тўқнашиб кетди. ВАЗ — 2101 маркали 75—87 БХЛ давлат белгили енгил машинани Навоий шаҳар ИИБда терговчи бўлиб ишловчи Абдурасул Ҳамидов, ГАЗ—66 маркали 84—22 СНЛ давлат белгили юк машинасини Абдували Бобоқулов бошқариб келаётган эди. Бу авария ҳам бир инсонни ҳаётдан бевақт кўз юмдирди. Оғир тан жароҳати олган А. Ҳамидов шу куни кечқурун Навоий район марказий касалхонасида вафот этди.

Худди шу куни Сурхондарё вилоятининг Термиз райони ҳарбий хизматчиси Воҳиджон Норматов ЗИЛ—130 машинасида «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги ҳудудида бораётиб, уч яшар Ойбек Эгамбердиевни уриб юборди. Натижада ғўдак воқеа содир бўлган жойнинг ўзидаёқ ҳалок бўлди.

Айниқса, темир йўллардан ўтишдаги шошқалоқликлар қимматга тушаяпти. Айрим ҳайдовчилар светафорнинг огоҳлантиришини менсимай, поезд яқинлашиб келаётганини кўра-била туриб, йўлни кесиб ўтаверадилар. Поезд автомашина эмаслигини, гарчи у секин келаётган бўлса ҳам, тезда тўхтатиб бўлмаслигини ўйламайдилар. Оқибатда яна авария, яна ҳалокат, яна фожеа.

Эҳтиётсизликнинг, қоидага амал қилмасликнинг оқибатлари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ айрим шошма-шошар, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини писанд қилмайдиган ҳайдовчилар хулоса чиқариб олишлари учун янчли ҳодисаларнинг ўзи кифоя.

М. РИҲСИЕВ.

• *Халқ амалий санъати*

ГЎЗАЛЛИК ҚАСИДАСИ

«... НАҚШ ДИЛГА ОРОМ БЕРАДИ, БУНДАЙ ШИНАМ УИДА МИСКИНЛИК ВА ЖАҲОЛАТГА ЎРИН ҚОЛМАЙДИ. БУНДАЙ УИДА ЯШАГАН КИШИНИНГ ОИЛАСИ, ВАТАНИ ВА ХАЛҚИГА МЕҲРИ ҲАМ КУЧЛИ БЎЛАДИ».

Уста Ширин МУРОДОВ..

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоқ ривоят қилибдиларким, қадим замонда наққошлик бобида довруғи етти иқлимга кетган ажнабий бир уста ўз санъатини намойиш этиш учун Наманган шаҳрига ташриф буюрипти. Маҳаллий аҳоли устага алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатипти. «Майли, — ўйлашипти улар, — бор маҳоратини намоён қила қолсин». Мана, ажнабий уста гирих усулида нафис намоён яратипти. Алғараз, мезбонлар ишни муносиб баҳолашипти, вагарна уста уларнинг юзида ўзи кутганидек ҳайрат аломатларини кўрмапти.

Шу асно маҳаллий усталардан бири изн сўраб, қўлига қилқалам олипти, бўёқларни қорипти-да, ишга тушиб кетибди. Ҳадемай халойиқ кўзи олдида тўқлик ва бутлик рамзи бўлмиш ислимий дурафтор услубида бир афсонавий нақш яратибдиким, ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолибди. Айтишларига қараганда, шу ерда ҳозир бўлган замон шоири бу мовий-феруза ранглар уйғунлигини кўриб, қуйидаги мисраларни битган экан:

Ҳунарларки, қилғайлар ҳунар фош,
Агар хоротарошу ҳоҳ наққош.
Бири ҳар дам йўнуб юз наъв хоро,
Ки қилғай ҳавз ё фаршу изора,
Бири ҳар дам чекиб юз нақш дилкаш,
Ки ҳар бир қасрни қилғай munaққаш...

— Тақсир, шу арзимас безакка баҳо берсангиз, — депти маҳаллий устоз тавозе билан.

Ишни кўздан кечирган иззатталаб хорижлик уста: «Воҳ!» — деб юборипти. Негаки беҳад нафис ишланган, тугунлари бир-бири билан ғаворт уйғун боғланган жимжимадор нақшлар асоси ўртасидаги заминда пайдо бўлган нур ва соя жилваси маҳрур устанинг ҳушини ўғирлаган экан-да...

Мадамин бу ибратли ривоятни устози Саидаҳмад Маҳмудовдан илк бор эшитганида, мўйлови эндигина сабза ураётган ўн беш яшар ўспирин эди. Унинг наққош бўлиб етишишида, эҳтимол, ўша ривоят катта аҳамият касб этгандир.

...Шаҳар автовокзалига тушиб, бир пиёла кўк чойни чанқовбости қилиш учун чойхонага бош суқишингиз билан латиф бир манзара ҳушингизни ўғирлайди: қийғос гулга бурканган ўрик шохлари ложувард осмон қаърида ўзини кўз-кўз қилади. Бир қарашда бунинг нақш эканига дабдурустдан ишонгингиз келмайди. Бетакрор, ички жўшқинлик, уфуриб турувчи бундай нақшу нигорларни илгари учратмаганингизга иқрор бўласиз. Шаҳар бўйлаб сайрга чиқишингиз билан фикрингиз тўғрилигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Ҳа, гўллар шаҳри Наманганда тураржойлар, жамоат биноларини имкони борича зийнатлаш учун на куч-қувват, на маблағ аяйдилар. Энди муштарий учун яна бир тафсилот маҳфий қолмагай: мазкур нақшу нигорларнинг талайгинасида «Амали усто Мадамин Ҳусанов» деган ёзув учрайди.

Филҳақиқат, Наманганда шоир ва ёзувчилар, меъмор ва таъмирчилар, бастакор ва созандалар, шунингдек, безакли ҳамда амалий санъатнинг атоқли усталаридан иборат талай муборак зотлар етишиб чиққанки, ҳикоямиз қаҳрамони Мадамин Ҳусаинов ҳам ана шу ижодий муҳит тарбиясини олиш бахтига муяссар бўлганлардан.

Уста суҳбатидан:

— Наманган вилояти наққошлиги бошқа жойлардан, хусусан, Тошкент, Хоразм мактабидан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради. Энг аввало, унда Фарғона водийси табиати намоён; кўпроқ райҳон, хинага ўхшаш ўсимликлар, яйлов гуллари, турфа манзаралар акс этади. Жозибадорлик, шўхлик Наманган наққошлик мактаби учун хос хусусиятлардандир. Бунда ложувард, оловранг бўёқларга кўпроқ мойилик сезилади, аксар нақшларда пишиқчилик, тўкинчилик рамзи — куз ҳукмронлик қилади, «бофта» («тўқима»), «босма» усул кенг қўлланилади. Тошкентда «едирма», «тароқ» каби усулларга кўпроқ ўрин берилиб, текис юзали ислимий нақшлар серновдалиги билан ажралиб туради. Хоразм мактабида эса нақшу нигорларнинг зичлиги ва сержилвалиги устун туради. Бундан ташқари, наққошликнинг Қўқон мактаби ҳам борки, унда пардор усули етакчи ўрин тутади. Маҳобатлилик бу мактаб учун бош хусусиятдир.

Устанинг маҳорат сирлари нимада? Келинг, шу ҳақда андак мулоҳаза юритайлик: шуниси эътиборга моликки, санъаткор бинонинг қайси томонидан ёруғлик тушишига қараб рангларни қучайтиради ёки пасайтиради. Албатта, бунда иморатнинг катта-кичиклиги, паст-баландлиги, масофа ҳисобга олинган ҳолда иш тутилади. Шу боис, у қўлланган нафис, нозик нақшлардан, бир-бирига уйғун ранглар танланганидан, тафаккур кўламининг кенглигидан, миллийликнинг кучлилигидан ҳайратга тушасиз; яратилган нақшларда бамисоли нақшнинг тепиб турган юраги намоён, санъаткор қалбининг олижаноблиги билиниб туради. Умуман, уста Мадамин қўллаган нақшу нигорлар инсон ақлу заковатининг нечоғлик юксак парвозини кўрсатади.

— Хўш, — сўрайман устадан кези келиши билан, — анави иззатталаб хорижлик устанинг тақдири не кечди?

— Ажнабий уста ҳайрат бармоғини тишлаганича, ватанига жўнаб кетипти, — дейди Мадамин ака. — У ўз подшосига юз берган воқеани алам билан сўзлабди. Подшо ҳам наманганлик устанинг довруғидан лол қолипти-да, депти: «Сенга беш йил муҳлат бераман, Ўша устадан наққошлик санъатининг сир-асрорини пухта ўрганиб, ундан ўзгин».

Яқинда уста Мадамин Ҳусанов ўғиллари — Мажидхон, Абдурауфлар билан ҳамкорликда Машраб номидаги боғ ва дорилосор, Наманган шаҳар марказий бозори расталари нақшу нигорларини қўлдан чиқарди. «Йилнинг тўрт фасли» деб аталувчи бу композиция, шунингдек, вилоят марказидаги «Эски Чорсу» чойхонасидаги олти қиррали турунж шаклидатасвирланган наққошлик ишлари, ниҳоят, Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги театр равоғидаги безаклар устабошининг салмоқ ижод маҳсулига киради. Уста Мадамин сўнгги йилларда фарзандлари ва шогирди Исмоил Садриддинов иштирокида Наманган, Чортоқ, Чуст, Тўрақўрғон, Поп, Косонсойда бир неча масжид, клуб, чойхона, оромгоҳларнинг безак ишларини бажарди.

1959 йили киндик қони томган Косонсойдан Наманганга кўчиб келган Мадамин уста Ҳусаинов Ўзбекистоннинг менман деган наққошлари билан «рақобатлаша» бошлади, ўта мураккаб ишларни ҳам мустақил бажарадиган бўлди. Айни чоғда, у ўз устида ишлашдан эринмади. Мозийда яшаб ўтган наққошларнинг ўта ноёб, ўта таъсирчан услуби, ижод йўли билан танишди, анвойи ўсимликлар оламидан илҳом олди. Буларнинг натижаси ўлароқ, халқимизнинг сир-асрорга тўла нақш тури — ислимий ўзининг янги-янги қирраларини намойиш этди. Уста мазкур нақшнинг ислимий якрафтор, ислимий дурафтор, турунжи ароқи ислимий, печак ислимий ароқи, ҳашт ислимий, қўшбанд каби турларида катта шуҳрат қозонди. Унинг қўлида оройиш топган кўпгина асарлари жумҳурият, МДҲ, ҳорижий мамлакатларда, хусусан Австрияда юқори баҳоланди.

Уста ўгитларидан:

— Шундай иш қилиш керакки, нақшни томоша қилган одамнинг кўзи тинмасин. Бунинг учун рангни ўта маҳорат билан ишлатиш керак. Ҳушёр бўлинг, гоҳо битта қусур бутун бошли бир асарни чиппакка чиқаради. Ранг узоқ муддат 50—70 йил «айнимай» туришини ҳисобга олмоқчи бўлсангиз, зинҳор-базинҳор ишлатманг. Зеро бу бўёқ ўзининг ранглилик хусусиятини тез йўқотади. Рух қўшимчалари мойбўёқдан, шунингдек, тухум сариғи қўшиб тайёрланган махсус бўёқ темпередан фойдаланиш яхши самара беради. Бир қолипдаги нақшни ҳеч қачон икки марта қўлламанг, зеро, бу иш ҳақиқий уста шаънига тўғри келмайди.

Ҳар бир ишни бошлар экан, у масаланинг мана шу томонларига алоҳида эътибор беради. Эҳтимол, шу боис сиз уста Мадамин Ҳусанов ижодига мансуб безаклар қаршисида беихтиёр тўхтаб қоласиз, чунки лирик палитрадаги нафис нақшларнинг бир-бирига ғоятда мутаносиб эканлигини ҳис қиласизда, булар бирлашиб, бир бутунлик ҳосил қилганига тан берасиз.

Уста Мадамин Ҳусаинов кирпби биров ҳавас қилса арзийдиган ширинсўз инсон, уста санъаткор. Илдизи минг йилларга бориб тақаладиган, кўп меҳнат талаб қиладиган ноёб санъат — наққошликни қақнус қуши янглиғ қайта тирилтирувчиларнинг олдинги сафларида туриб келди, халқ мулкига айланиб қолган юзлаб асарлар яратиб, шу санъатни янги поғонага кўтарди. Мансур Ҳожи, Акбарбек, Раҳимжондек наманганлик атоқли наққошлар каби эларо қадр топди.

Айни чоғда у Убайдулла Нурмуҳамедов, Мамадихон Узоқов, Исмоил Садриддинов, Муҳиддин Садриддинов, Муҳаммаджон Эралиев, Ҳикматжон Қозоқов, Усмонжон Шарифбоев, Яҳё Аюпов, Довуд Халилов, Фозилжон Ғозиев, Мақсудхон Исмонилов, Олимбой Орифбоев, Анасхон Насриддинов, Бобур Абдураҳмонов каби йигирмадан зиёд салоҳиятли шогирдлар етиштирган устоз ҳамдир. Уста санъаткорнинг фарзандлари — Мажидхон, Абдурауф, Убайдулло отасининг муносиб ўринбосарлари бўлиб етишаётгани, айниқса, мақтовга сазовор.

— Ўтган йиллар давомида яратган озми-кўпми асарларимни фикран сарҳисоб қиларканман, ишларим гўё тирик жон эгаси янглиғ менга боқиб: «Эсингдами, уста?» — дейди. Албатта, эсимда. Бирдан улар фарзандлардек азиз бўлиб қолганини ҳис этаман. Баъзан кўнглимда: «Пайғамбар ёшига кириб қолдинг, бўлди-да энди», — деган фикр ғимирлаб қолади. Йўқ, ҳақиқий санъаткор ўзини-ўзи енгиши керак экан. Ана шундагина у халқ мулкига айланиб қоладиган шоҳ асарлар ярата олади. Шундай бўлгач, нақш юзасига мос ахтага мўлжалланган қоғоз бичганингни, чизилажак безакнинг тузилиш таносибига қараб, икки, тўрт, олти ёки нимчорагини чизганингни, кейин гул чизиғи устидан игна билан чекиб чиққанингни ўзинг ҳам билмай қоласан киши. Сўнг дока қатидаги ҳока (ёғоч кўмиридан тайёрланган қоракуя) андоза сиртига суртилади. Докадан ўтган ёғоч кўмирининг чанги ахтадаги гулни қоғоз сиртига ўтказади. Умуман, гул чизиш тартиби гулнинг хилларига, мураккаблигига, устанинг тажриба ва маҳоратига боғлиқ. Аввало безакнинг ярим гажак ва атрофлари чизилади. Кейин шу тартибда нақшнинг новдалари, чизиқ атрофлари — руталаргa навбат келади. Нақш оралиқлари «тозалангач», заминдан ҳоли бўлган нақш йўллари, барглари, унинг айрим унсурл

Мурғак қалблар муруввати

«Мусиқа мактаби ўқувчилари Деҳқонобод даҳасидаги ногирон болаларга ёрдам беришни ўз зиммаларига олишганмиш». Бу хушхабар тез орада нафақат Гулистон райони, балки Сирдарё вилоятн бўйлаб яшин тезлигида тарқалди. Нўпни кўрган қариялар «Отасига раҳмат» дейишса, «Йўғе, ахир ўзлари ҳам ота-оналари қарамоғида бўлишса, қандай қилиб ногиронларга ҳомийлик қилишади?» деб ҳайратланишади бошқалар. Нима бўлганда ҳам нарх-наво кун сайин эмас, дақиқа сайин осмон билан бўйлашаётган, меҳр-оқибат тақчиллашиб бораётган бир пайтда бундай хушхабарнинг тарқалиши чинакам «тарихий воқеа» эди.

— Бозор шароити нафақат биз катталарни, балки болаларни ҳам қийнаб қўйди, — дейди район мусиқа мактаби ўқитувчиси Тўхтаниёз Тожиев. — Шу боис ҳам биз ўқувчилар билан биргаликда ишбилармонлик йўлини тутдик.

Қандай қилиб дейсизми? Бунинг мураккаб томони йўқ. Тўғри, ишни бошлаб олиш анча қийин кечди. Мактабда ташкил этилган болалар театри синфи Тўхтаниёз бошчилигида «Дардингни олай, болажон!» деган театрлаштирилган мусиқали томоша тайёрлашди. Эшитган, ўқиган, бевосита гувоҳи бўлган ибратли воқеалар саҳнага кўчди. Ёш болалар ўртасидаги номаъқул ишлар танқид остига олинди. Саҳна асарларининг бири томошабинни кулдирса, яна бири ўйга толдиради. Қисқа вақт ичида болалар театри томошалари нафақат мактаблар, ҳатто жамоа хўжаликларию йирик корхоналарда ҳам доврўқ тарата бошлади.

Болалар театрининг хайрли тадбирини район ҳокимлиги ҳам қўллаб-қувватлаб, жамғарма банкида алоҳида ҳисоб рақами очиш ҳақида фармон чиқарди. Болалар театрига ҳомийлар ҳам топилди. Район таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхонаси улар ҳисобига пул ўтказиш билан бир қаторда, транспорт билан таъминлашни ҳам ўз зиммаларига олишди. Энди томоша ва концертлар пулли қўйила бошлади. Чипта учун белгиланган нарх арзимасгина, бўлсада, томчидан уммон вужудга келиши сир эмас. Тушган пуллар ўйинчоқ, кийим-кечак ёки китоб бўлиб бир ғариб кўнгилни шод этиши, унинг дардли кўзларига болаликнинг беғубор лаҳзаларини қайтариб бериши мумкин. Бу Тўхтаниёз раҳбарлик қилаётган болалар театри ўқувчиларига ҳам завқ бағишлаши табиий.

— Ниятимиз улуғ, — дейди Тўхтаниёз, — биз нафақат Деҳқонобод даҳасидаги, балки районимиз ҳудудидаги ногирон болаларга кўмак беришни, руҳан мададкор бўлишни режалаштирганмиз. Уларнинг аксарияти мададга муҳтож болалардир. Қанийди бизнинг бу хайрли ишларимиз кенг кулоч ёзса, меҳридарё, саховатли кишиларимиз ўз мададларини келажагимиз ворислари бўлган болалардан аяшмаса...

Мактаб ўқувчилари саҳнага чиқишганда гўё маҳоратли санъаткорлар билан учрашгандай бўласиз. Лола Суюндиқова, Наргиза Алиқулова, Ўктам Эрматов сингари ёш санъаткорлар аллақачон тенгдошларининг қалб тўридан ўрин эгаллашган. Мен улар яратаётган саҳна кўринишларию Илҳомжон, Султонжон, Елена, Дилбар сингари ногирон тенгдошларига кўрсатаётган саховатлари, одамийликлари олдида бош эггим келди.

Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи.

СУРАТЛАРДА: «Дардингни олай, болажон!» театрлаштирилган томошалардан лавҳалар.

Суратқаш: Рашид САМДИНОВ.

«ЎЗ-БОШ» ИШНИ ХАЙРИЯДАН БОШЛАДИ

ЖУМҲУРИЯТ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йил 1—10 декабрь кунлари ушбу жамият жамғармасига маблағ тўплаш ўн кунлиги ўтказилади. Ўзбекистон Давлат нефть маҳсулотлари ҳиссадорлик биржаси билан Уфа товар-жамғарма биржаси ҳамкорликда очган «Ўз-Бош» савдо уйи Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорини бажаришга биринчилардан бўлиб киришди ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ҳисоб рақамига 300 минг сўм пул ўтказди.

— Илк қадамимизни хайр-эҳсондан бошлаганимиз бежиз эмас, — дейди Уфа товар-жамғарма биржаси президенти Николай Швецов. — Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг кам таъминланган табақаси оғир иқтисодий муаммоларга дуч келаётир. Уларнинг тақдирига бефарқ қараш, иқтисодий бухронда ёлғиз қолдириш диёнатдан эмас. Шу боис бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, Қизил Ярим ой жамияти жамғармасидан ўзларининг ортиқча маблағларини дариғ тутмайдиганлар сафи кенгайиб боришига ишонамиз. Зеро, бу жамият жамғармасига тушган бор маблағни кам таъминланган ва кўп болали оилаларни, ёлғиз кексаларни, ногиронларни оғир дамларда иқтисодий ҳимоялашга сарфлайди.

С. ЙЎЛДОШ.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ РУҲИДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Олий Суд раиси Ў. Қ. Мингбоев Ислом Каримнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби бўйича маъруза қилиб, президентимиз қаламига мансуб бу рисола бизга бугунги ва эртанги кунимиз учун дастур бўлиб хизмат қилишини, бозор иқтисодиётининг оғир синов йўлларидан халқни фаровон кунларга олиб чиқиш йўл-йўриқлари, йўналишлари ва мақсадларини кўрсатишини таъкидлади.

Маърузачи яқинда қабул қилинажак муҳим ҳужжат — давлатимизнинг Асосий қонуни Янги Конституция лойиҳаси ҳақида ҳам тўхталиб, янги жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб қуриш ва бошқариш йўллари унда аниқ-равшан кўрсатилиши лозимлиги ҳақида тўхталди.

Г. РЎЗМЕТОВА.

«НОДИРАНИНГ ҚИЗЛАРИ»

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўзларининг илк машқларидаёқ катта умид уйғотган шоира қизларимизнинг танлов мушоираси бўлиб ўтди.

Маълумки, бу йил атоқли ўзбек шоираси Нодира таваллуд топганига 200 йил тўлади. Ана шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмаси «Нур» нашриётига йигирмага яқин ёш шоираларнинг ижодларидан намуна сифатида «Нодиранинг қизлари» китобини босмага топширди. Мушоирада ана шу тўпламга шеърлари кирган қизлардан олти нафари қатнашди.

Ёзувчилар уюшмасининг котибаси, ушбу кечанинг ташкилотчиси шоира Гулчеҳра Нуруллаева мушоирани очар эканлар, қизларни самимий муборакбод этдилар. Ойдин Ҳожиева ҳайъат раисаси этиб, Гулчеҳра Жўраева, Зулфия Мўминова, Қутлибека, Кавсар Турдиевалар аъзо этиб сайландилар.

Мушоира бошланди Олти қиз, олти минг олам. Қизларни мавзусию дунёқарашлари, ички кечинмаларию эҳтиросларини сира бир-бирига ўхшамайди. Бири ўз туйғую кечинмаларини соддалик билан, яна бир бошқаси кучли эҳтирос билан, учинчиси эса фалсафий мушоҳада билан изҳор этдилар.

Шеърни яхши ўқиш ҳаммаининг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин мен Ҳамробонуни тинглаб, очиғи ҳордиқ чиқардим. Шеърни илоҳий ибодат десак, тангри Ҳамробонуни уни қиёмига етказиб ўқишдан ҳам бенасиб қолдирмаган экан.

Кечада «Дуторчи» қизлар ансамблининг хонандалари Замира Раҳматуллаева, Раъно Қурбоналиева, Мунира Мўминовалар ўзларининг қўшиқлари билан барчани шод этдилар. Бугунги турмуш қийинчиликлари бироз бўлса-да унутилди, кўнгиллар ором олди.

Кеча охирида ҳайъат раиса-си Ойдин Ҳожиева қизларни қизғин қутлаб, уларга келгусида омадлар тилади ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг совғаларини топширди. Ҳамробону ва Муҳтарама Туркойга биринчи, Ойгул Убайдулло қизи ва Моҳигул Назаровларга иккинчи, Феруза Жалилова ҳамда Шаҳрибону Нозиловаларга учинчи ўрин насиб этди.

Оқ йўл, Сизларга, қизлар!

Л. ҚУЧҚОРОВА.

МАШИНА НОГИРОНЛАРНИНГ ОЁҚ-ҚЎЛИ

ЎТГАН ЯКШАНБА КУНИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ҒАЙРИОДАТИЙ АВТОРАЛЛИ МУСОБАҚАСИНИНГ ШОҲИДИ БЎЛДИЛАР.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларидан иборат 15 та экипаж қўл билан бошқариладиган автомобил ва мотоаравачаларда пойтахтнинг марказий кўчалари бўйлаб 25 чақирим масофага пойга қилдилар. Ногиронларнинг «Матонат» спорт-соғломлаштириш клуби ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти уюштирган бу пойга одатдаги шундай халқаро мусобақаларнинг мавжуд тартиб-қоидалари асосида ўтди ва унинг иштирокчиларига автотранспортни бошқариш борасидаги маҳоратларини, йўл ҳаракати қоидаларига оид билимлар ва шаҳар кўчаларида бемалол юриш кўникмасига эга эканликларини намойиш этиш имконини берди. Авторалли ғолибларини аниқлашда ҳам ана шу шартлар биринчи галда ҳисобга олинди.

Мусобақада ғолиб бўлган Сергей Берневский-Баев билан Боту Газизов экипажига 1000 сўмлик биринчи мукофот. Равшан Алимбоев билан Сергей Кондратьев экипажига 700 сўмлик иккинчи мукофот топширилди. Иккита учинчи ўрин учун белгиланган ҳар бири 400 сўмлик пул мукофоти Владимир Шувалов билан Олег Бадридинов ва Элдор Мусин билан Валерий Зимятов экипажларига насиб этди. Бундан ташқари, ғолиблар билан бирга мусобақа ташкилотчиларига ҳам ўрин-тўшак буюмлари, шахмат-шашка ва турли спорт кийимларидан иборат совғалар улашилди.

Пойтахт кўчалари бўйлаб бундай мусобақа ўтказишдан қутилган яна бир муҳим мақсад: шаҳар жамоатчилигининг эътиборини ногиронлар турмуши муаммоларига қаратишдир. Чунки улар ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар нархи кескин ошиб кетган бугунги кунда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Ахир автомашина улар учун зийнат эмас, балки эл-юрт қаторида юриштуриш учун ягона восита-да.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

ЭЪЛОНЛАР

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТАШПОЛИГРАФ КОМБИНАТ

Тошкент полиграфия комбинати турли акциялар, гувоҳнома ва дипломлар, нафақа дафтарчалари, банк ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари, ташриф карточкалари, таклифнома, табрикнома, корхонанинг шахсий (фирмали) варақаларини ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни тайёрлаб беради.

Юқорида номлари келтирилган маҳсулотларни тайёрлаб бериш учун Тошкент полиграфия комбинати махсус қоғоз ва бошқа материалларга эга.

Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 44-38-93, 44-54-04, 44-37-92, 44-34-01.

РАССОМЛАР ВА ДИЗАЙНЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

АГАР СИЗ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФИРМА БЕЛГИСИ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН ҚУРИКДА ИШТИРОК ЭТСАНГИЗ ЎЗ ИЖОДИЙ РЕЖАЛАРИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАМДА ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШ ТОПИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛАСИЗ.

ҚУРИК ҒОЛИБИ ФИРМА УСЛУБИНИ ЯРАТИШ ВА БАНКНИНГ БОШҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ БЕЗАШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: 33-14-08, 33-65-58.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ҚУЙИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

— ПРОТОКОЛ БЎЛИМИНИНГ МУДИРИ;
— БАНК МАРКЕТИНГИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС;
— ТАРЖИМОН (ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА ЕВРОПА ТИЛЛАРИДАН БИРИНИ БИЛИШ ШАРТИ БИЛАН).

ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

МИЛЛИЙ БАНК МУТАХАССИСЛАРИ УЧУН ЮҚОРИ МАОШЛИ ИШЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ИНСТИТУТИ

1992-93 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН СТУДЕНТЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасидаги давлат тасарруфида бўлмаган бу олий ўқув юртида қуйидаги факультетлар мавжуд:

— ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР — корхоналар, ассоциациялар ва хусусий фирмаларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи мутахассисларни чет тилида эркин мулоот қилиш даражасида тайёрлайди;

— ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ — ташқи иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий томондан таъминловчи мутахассисларни чет тилини тўла эгаллаш билан;

— ИШ ПРОТОКОЛЛАРИНИ ТАШҚИЛЛАШТИРИШ (фақат аёллар учун) — ташқи иқтисодий фаолиятни ҳисоб ва таҳлил қилиш, халқаро протоколлар асосини билиш, ҳужжатшунослик, архившунослик ва стенография бўйича мутахассисларни чет тилини чуқур ўргатиш билан тайёрлайди.

Институтга ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган, иккита кириш имтиҳонини топширган (чет тили ва профил бўйича фандан) шахслар ариза бўйича қабул қилинадилар.

Институтда ўқиш пуллик. Ташкилотлар, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг йўлланмаси билан тўрт йиллик курсларни муваффақият билан тамомлаганларга иқтисод ёки ҳуқуқий фанлар бакалаври унвони берилади.

Юқорида санаб ўтилган мутахассисликлардан бирига эга бўлмоқчи бўлганларни 1992 йил 1 декабргача қуйидаги манзилда жойлашган институтнинг қабул ҳайъатига мурожаат қилишларини сўраймиз:

700081, Тошкент, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28 (метронинг «Чилонзор» бекати), Тошкент тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий алоқалар институти. Телефон: 76-82-69.

Қабул ҳайъати.

Институтнинг ҳисоб рақами № 000468416 «Стройкоммербанк» тижорат банкида, МФО № 172682709.

700081, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28.

«НУРОТОП» ФИРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛОТХОНАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОКАН ЗИРХ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЯНГИ МАНЗИЛИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛОҲУТИЙ КЎЧАСИ, 16-А. МЕТРОНИНГ «ОЙБЕК» БЕКАТИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-43-95, 54-96-59.

ФИРМАНИНГ ВАКОЛАТХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. ТУҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЗАВОДЛАРИНИ ҚУРИШ.
2. ЭНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ДАСТГОҲЛАРНИ КЕЛТИРИШ.
3. ТУҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЗАВОДЛАРИ ҚУРИШ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР.
4. ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ТУҚИМАЧИЛИК ХОМ АШЁЛАРИГА АЙИРБОШЛАШ.
5. ХОМ АШЁНИ КЕЛИШИЛГАН НАРХЛАРДА СОТИБ ОЛИШ.

ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕК—АМЕРИКА САВДО ВА МАДАНИЯТ КОРПОРАЦИЯСИ МЕНЕЖЕРЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бу лавозимга маркетинг ва тижорат ишини яхши биладиган, кишилар билан муомала қила оладиган, инглиз ва хитой тилларини мукаммал эгаллаган мутахассис йигит ва қизлар таклиф қилинади.

Таржиман ҳол, шахсий варақа, маълумот ҳақидаги гувоҳнома, тавсиянома ҳамда ариза билан бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод райони, К. Маркс кўчаси, 3-уй (метронинг «Мустақиллик майдони» бекати ёнида).

Телефон: 39-48-68, 39-43-47.

Ташкилот 4, 5 типдаги пахта толаси ва пахта хом ашёсини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш билан сотиб олади.

Манзилимиз: Қозоғистон Республикаси, Чимкент шаҳри, Полтўрацкий кўчаси, 114.

Телефонлар: (32522) 3-85-87, 3-36-84.

(3252) 62-35-55, 66-56-31.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.00. № Г—469. Тираж 28596. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.